O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

**УШБУ СОНДА:**

2 ФАОЛЛИК · ИСТЕЪМОЛ ҲУҚУҚИ

3 БАҒРИКЕНГЛИК · ЎЙИНДАН ЎТ ЧИҚМАСИН!

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 50 (406)
2004 йил 28 декабр сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

## MEZON:

*Агар сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан биронтаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор этади. Такрорий овоз бериш ушбу Қонуннинг талабларига риоя этган ҳолда икки ҳафта ичида ўтказилади.*

*Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган депутатликка номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, сайланган деб ҳисобланади.*

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 45-МОДДА.

# БУЮК КЕЛАЖАК ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш, халқимизнинг тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароит яратиш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

2004 йилнинг 26 декабри ҳаётбахш ислоҳотлар ижобати билан боғлиқ муҳим сана сифатида улкан, оламшумул ишларимиз солномасига алоҳида саҳифа бўлиб киради. Зеро, худди шу куни мамлакатимиз тарихида илк бор икки палатали парламентнинг Қонунчилик палатасига ва Сенатни шакллантириш учун асос бўлажак маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди.

Сайловларнинг демократик руҳда, миллий қонунчилик ва халқаро андозалар талаблари доирасида ўтишини таъминлаш мақсадида дунёнинг қарийб 40 давлатидан, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлардан 227 нафар кузатувчи иштирок этди. Юртимиз бўйлаб ташкил этилган 120 сайлов округи ва саккиз мингдан зиёд сайлов участкасида 14 миллиондан зиёд ҳамюртимиз ўз сайлаш ҳуқуқидан фойдаланиши учун барча имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 декабрь куни эрталаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 644-сайлов участкасига овоз бериш учун ташриф буюрди.

— Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, эркин демократик фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар изчил давом эттирилади, — деди Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. — Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, деган шиоримизни рўёбга чиқариш учун ана шундай изчиллик билан иш юритамиз.



Икки палатали парламентнинг шакллантирилиши ана шу улуғвор мақсадларимизни рўёбга чиқаришда янада кенг имкониятлар очади.

Юртимиздаги сайлов жараёнларини кузатиб бораётган халқаро кузатувчиларнинг аксарияти Ўзбекистоннинг икки палатали парламент тизимига ўтишини демократияни мустаҳкамлаш ва тараққиётимизни янада юксалтириш йўлидаги янги одим деб баҳоламоқда.

Парламентда жамиятнинг турли қатламлари манфаатлари намоён бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бугун сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлардан сайланадиган депутатлар янги парламентда юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги борасидаги эзгу мақсадлар йўлида самарали фаолият юритишига ишонамиз.

Президентимиз журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА мухбири**

## ЎТГАН ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ХАБАРЛАРИ

*Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида қарори қабул қилинди.*

* * *

*Олий Мажлисда “Ўзбекистон ва Озарбайжон Омбудсманлари: тажриба ва истиқболдаги фаолият” мавзусида учрашув бўлиб ўтди.*

* * *

*Исроил Бош вазири Ариэль Шарон 2005 йилда Фаластин — Исроил можароси ҳал этишда жиддий қадамлар ташланиши тўғрисида баёнот берди.*

* * *

*БМТнинг қочоқларни ватанига қайтаришга кўмаклашиш дастури ёрдамида шу йилнинг охирига қадар тўрт юз мингга яқин афғонистонлик қочқин Покистондан юртига қайтди.*

* * *

*Перу пойтахти Лимадан 345 километр узоқликда рўй берган автоҳалокат натижасида 49 киши ҳаётдан кўз юмди, 15дан ортиқ киши турли даражадаги тан жароҳати олди.*

* * *

*Афғонистон полицияси томонидан Нангарҳор музофотида ўтказилган махсус рейд чоғида 15 тонна опий топилиб, мусодара этилди.*

* * *

*Францияда Эйфел минорасини ортда қолдирувчи иншоот барпо этилди. Клермон Феррен ва Безье шаҳрини туташтирувчи Торн кўли устидан 2,46 километр узунликдаги Мийо кўприги қурилиб битказилди. Кўприкнинг баландлиги 343 метр бўлиб, Эйфел минорасини барпо этган компания лойиҳаси асосида қурилди. Кўприк қурилишига 390 миллион евро сарфланган.*

* * *

*Эрон пойтахти Теҳрон шаҳрида икки кун давомида кураш бўйича Осиё чемпионати беллашувлари бўлиб ўтди. Умумжамоа ҳисобида мамлакатимиз курашчилари биринчи ўринни эгаллашди.*

***Владимир РУШАЙЛО:***

# САЙЛОВ ҲАҚҚОНИЙ, ЭРКИН ВА ОШКОРА ЎТДИ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқаро кузатувчилар миссияси сайловларга тайёргарлик ва сайлов куни овоз бериш жараёнини бевосита кузатиб борди. Миссия раҳбари, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси Владимир Рушайло сайлов арафасида Хоразм ва Бухорода, сайлов куни эса Тошкент шаҳрининг бир қанча сайлов округлари ва участкаларида бўлди. Жойлардаги сайлов участкаларида яратилган шарт-шароит билан танишди.

МДҲ Ижроия қўмитаси раиси 27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев билан учрашди.

Учрашувда мамлакатимизда куни кеча ўтказилган сайловнинг дастлабки якунлари ҳақида сўз борди. Сайлов давомидан ҳозирги пайтга қадар Марказий сайлов комиссиясига сайловга оид қонунчилик бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида шикоятлар тушмади.

В.Рушайло шу йил 30 ноябрдан буён Ўзбекистондаги сайлов жараёнларини кузатиш билан шуғулланаётган МДҲ кузатувчилари миссияси фаолияти самарадорлигини таъминлаш йўлида яратилган зарур ҳуқуқий ва ташкилий-техник шарт-шароит учун миннатдорлик изҳор этди.

Ўтган даврда МДҲ давлатларидан 78 нафар кузатувчи сайлов жараёнлари билан танишганлиги қайд этилди. Уларнинг бир қисми узоқ муддатга келган кузатувчилар сифатида сайлов жараёнлари бўйича мониторинг олиб борди. Сайлов кампаниясининг барча босқичлари сайлов тўғрисидаги қонунчилик, Ўзбекистон Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарор ва йўриқномаларида белгиланган тартибда ҳамда муддатларда ўтганлиги диққатга лойиқдир.

Сайлов куни МДҲ кузатувчилари 113 сайлов округи ва 612 сайлов участкасида бўлиб, овоз бериш ва овозларни санаш жараёнларини кузатди. Ҳамдўстлик вакиллари ҳозир бўлган барча участкаларда сайлов ўз вақтида бошланиб, хотиржам ва амалий руҳда ўтгани кузатилди. Сайлов жараёнларида бошқа халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар кузатувчилари, шунингдек, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам иштирок этдилар.

МДҲ кузатувчилари фикрини хулосалаб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Парламентининг қуйи палатасига сайлов ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтганлиги эътиборга сазовордир, деди В.Рушайло. Ушбу сайлов миллий қонунчилик талаблари доирасида, ҳаққоний, эркин ва ошкора ўтганлигини эътироф этамиз.

Шу куни МДҲ Ижроия қўмитаси раиси В.Рушайло МДҲ кузатувчилар миссиясининг Тошкент шаҳридаги қароргоҳида матбуот конференцияси ўтказди.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА мухбири**

# САЙЛОВНИНГ ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизнинг «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки якунларига бағишланган матбуот конференцияси бўлди. Унда Марказий сайлов комиссиясида аккредитация қилинган мамлакатимиз ва хориж журналистлари, халқаро кузатувчилар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев сайловда сайловчиларнинг 12 миллион 197 минг 159 нафари, яъни 85,1 фоиз қисми овоз бергани сайловнинг бўлиб ўтганлигидан далолат эканини таъкидлади.

Сайловни ўтказишда Марказий сайлов комиссияси уч босқичдан иборат Ҳаракатлар дастурига асосланиб иш олиб борди. Аввало, сайлов кампаниясини ўтказишга тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг июль-август ойлари давомида сайлов тўғрисидаги янги қонунлар қоидаларини аҳолига кенг тушунтириш мақсадида турли анжуманлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштирилди. Зарур адабиётлар нашр этилди ва жойларга тарқатилди.

Иккинчи босқич сайлов кампанияси бошланиши эълон қилинган кундан эътиборан сайлов жараёни расмий тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ ишларни ўз ичига олди. Хусусан, сайлов округ ва участкалари ташкил этилди ва жиҳозланди, округ ва участка сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланди. Сайловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш доимий эътиборда бўлди.

Ҳозирги, учинчи босқич вазифалари даставвал овозларни санаб чиқиш, округлар ва бутун мамлакат бўйича сайлов якунларини чиқариш билан боғлиқ тадбирларни кўзда тутади. Марказий сайлов комиссияси раиси бу борадаги ишлар қонунда кўзда тутилган тартибда ва муддатларда амалга оширилаётганини қайд этди.

Марказий сайлов комиссиясининг сайлов натижалари тўғрисидаги қарори ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг рўйхати ўн кунлик муддат ичида матбуотда эълон қилинади.

Б.Мустафоев сайловни холис ва кенг ёритишда иштирок этган оммавий ахборот воситалари вакилларига, сайлов жараёнлари демократик руҳда, қонун доирасида, очиқ ва ошкора ўтишини кузатиб борган халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар вакилларига миннатдорлик билдирди.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**(ЎзА)**

**Sarhisob**

***Сафари қариган йилни мозийга кузатиб, навбатдагисини қарши олаётган ҳар бир киши ўз фаолиятини сарҳисоб қилиши, ютуқ ва камчиликларни таҳлил этиб, истиқбол режаларини тузиши табиий. Шу маънода якунланаётган 2004 йил юртдошларимиз тақдирида қандай из қолдиргани ва улар янги 2005 йилда қандай ишларни амалга оширишни кўзлашаётгани кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Зеро, бир қарашда алоҳида шахсга таалluқлидек кўринган муайян масала аслида бутун жамият ҳаётига дахлдор ҳисобланади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ютуғу қувончлари, дарду ўйлари, келажакдаги орзу-ниятлари муҳим аҳамиятга молик. Чунки уларда бугунги ва эртанги ҳаётнинг катта-кичик жиҳатлари ўз аксини топган. Ана шу зарурат натижаси ўлароқ, қуйида бир гуруҳ юртдошларимизнинг мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.***

# АДОЛАТ БАЙРОҒИ ЮКСАК ҲИЛПИРАЙВЕРСИН!



**Озод ШАРАФИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

Мана, XXI асрнинг тўртинчи йилини ҳам эсон-омон якунлаб олдик. Назаримда, 2004 йил халқимиз учун, юртимиз учун қутлуғ йил бўлди. Бу йил пахтадан ҳам, ғалладан ҳам яхшигина ҳосил кўтардик. Бир неча йилдан буён об-ҳаво шароити бундай яхши бўлмаётган эди. Мева-чевалар ҳам яхши ҳосил бериб, дастурхонимизнинг бир қадар тўкин бўлишини таъминлади. Ишлаб чиқариш якунларига бағишланган йиғинларда санъат соҳасидаги ютуқлар ҳам таъкидлаб ўтилди. Ҳа, бугун тарихга айланаётган 2004 йил анча файзли ва баракали бўлди. Лекин шунга қараб ютуқларга осонликча эришдик деб бўлмайди. Ютуқлар ҳеч қачон осмондан тушмайди. Улар халқимизнинг Президентимиз раҳбарлигидаги фидокорона меҳнат туфайли, ҳақиқий матонати ва шижоати эвазига майдонга келди. Шунинг учун бугун янги йил байрами билан халқимизни ҳам, Президентимизни ҳам чин юракдан табриклайман, уларга соғлиқ-саломатлик, рўзғорларига тўкинлик ва барака тилайман.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2005 йил **“Сиҳат-саломатлик йили”** деб эълон қилинди. Шунинг ўзи бу йилнинг ҳам хосиятли бўлишидан далолат бериб турибди. Албатта, ҳали бу борада ҳар томонлама пухта ишланган давлат дастури тузилади, унда кўрсатилган ҳар бир тадбирга зарур маблағлар ажратилади. Лекин биз бир нарсани унутмаслигимиз керак. Ҳар қанча режалар тузилиб, маблағлар ажратилмасин, бу ишга бутун халқимиз аҳиллик билан киришса, албатта, ютуқларга эришиш қийин бўлмайди. Ҳамма Президентимиз айтгандек, **бир ёқадан бош чиқариб, бир тан бўлиб ишга киришмаса, саломатлик кўрғонини** забт этиш осон кўчмайди. Саломатликка муносабат дунёдаги халқларда ҳар хил бўлар экан. Уларнинг бир хили ҳали саломатлиги бақувват пайтданоқ, бирон-бир хасталик хавф-хатар солмай туриб, эҳтиёт қилиш чораларини кўриб қўяр экан. Биз, ўзбеклар эса бутунлай бошқа бир тоифага кирамиз — биз обдон касал бўлиб, иситмаси ошкор қилмагунча юраверамиз. Ҳатто энг хавфли касалликларни ҳам (юрак хасталиклари, грипп каби) оёқда ўтказамиз ва буни ҳатто ўзига хос қаҳрамонлик деб биламиз. Ҳолбуки, бу — бизнинг ақлимиз ошиб-тошиб кетганидан далолат бермайди. Менинг энг катта орзуим шуки, халқимизнинг онгида шу масалада жиддий силжишлар рўй берса дейман. Биз бир ҳақиқатни қон-қонимизга сингдириб олмоғимиз керак — бу дунёда инсон учун саломатликдан улуғроқ ва зарурроқ бошқа неъмат йўқ.

Шуни билингки, ҳар куни эрталаб илиқ тонг нурларини қарши олишингиз учун ёки бир қултум чойнинг томоғингиздан бемалол ўтишининг ўзи — улуғ бахт. Баъзан ўз оёқлари билан юриб, метро зиналаридан тушиб, истаган жойларига кетаётган одамларга ҳавасим келади. Улар юзларининг қанчалик эркин ва бахтиёр эканини билармикан? Ҳа, Президентимиз минг бор ҳалқ — саломатлигини сақлаш, биринчи навбатда, ҳар бир одамнинг ўз қўлида.

***(Давоми учинчи бетда)***

# АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

**Xabar**



Ўтган ҳафта Адлия вазирлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ходимлари, олимлар, амалиётчилар, халқаро ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида **“Инсон ҳуқуқларини таъминлаш адолатли жамиятнинг бош мезони”** мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференция ишида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар ва уларнинг ўзбек қонунчилигига имплементация қилиниши, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизми, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини белгиловчи миллий қонунчилик меъёрлари ва уларни ҳаётга татбиқ этиш амалиёти, инсон ҳуқуқларининг суд ва суддан ташқари ҳимоясига оид ҳамкорлик муаммолари каби масалалар муҳокама қилинди.

Муҳокамаларда халқаро муносабатларнинг тўлиқ субъекти сифатида инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос механизми яратилгани эътироф этилди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва бошқа инсон ҳуқуқларига оид халқаро меъёрларнинг мамлакатимиз Конституцияси ва миллий қонунчилигида ўз ифодасини топгани ана шундан далолат беради.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 феврал кунги Фармойиши билан Адлия вазирлиги раҳбарлигида мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи ташкил этилгани инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган кенг қамровли ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқди.

Конференцияда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этиши таъкидланди.

***Қонунчиликда белгиланганидек, юртимизда хорижлик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари фаолияти ҳам амалдаги қонун-қоидаларга мувофиқ ваколатли идоралар томонидан вақти-вақти билан таҳлил қилиб борилади. Қибрай туманида жойлашган "SIRO Trading Co. LTD" масъулияти чекланган жамиятда солиқ ва мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ҳамда ўз вақтида бюджетга тўланиши юзасидан солиқ идораси томонидан ўтказилган текширишлар натижасида айрим камчиликлар аниқланган.***

# ТАДБИРКОРНИ ОҚЛАГАН ТАҚДИМНОМА

Текшириш натижаларидан норози бўлган "SIRO Trading Co. LTD" МЧЖ раҳбари жаноб Ли Ин Сон Тошкент вилояти адлия бошқармасига 2004 йил 18 октябрда ариза билан мурожаат этди.

Шикоят хатида, жумладан, шундай дейилади: *"Тошкент вилояти ва Қибрай тумани Давлат солиқ идоралари томонидан "SIRO Trading Co. LTD" масъулияти чекланган жамиятнинг солиқ ва мажбурий тўловларни тўғри ҳисобланиши ҳамда ўз вақтида тўланиши юзасидан 2002 ва 2003 йиллардаги фаолияти текширилди. Текшириш якунлари бўйича 2004 йил 27 августда тузилган далолатномадан норозимиз. Бу ҳақда 2004 йил 29 августда Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармасига эътироз хатини юборганмиз.*

*Гап шундаки, солиқчилар асоссиз равишда текширишнинг якуний куни айрим жисмоний шахслар даромадига солиқ қўшиб ҳисобланмаганини маълум қилишди.*

*Далолатномада кўрсатилган Ж.Ким ва Х.Ли масъулияти чекланган жамият таъсисчилари бўлсада, лекин улар билан корхонамиз ўртасида меҳнат шартномаси тузилмагани, ишловчилар рўйхатида ҳисобга олинмаганини тушунтирмоқчи бўлдик. Афсуски, текширувчилар изоҳларимизни инобатга олишмади. Бундан ташқари, юқорида номлари келтирилган ҳар иккала шахс 2002-2003 йилларда "SIRO Trading Co. LTD" МЧЖдан бирор сўм даромад олишмаган. Бугина эмас, Ўзбекистон Солиқ кодексининг 36-моддасида санаб ўтилган даромад манбалари юзасидан ҳам корхонамизда бирорта ножўя ёки ноқонуний иш қилинмаган.*

*Текширувчилар таҳлил ўрнига энг осон йўлни танлашди. Ҳолбуки, Ж.Ким ва Х.Лига айрим таъсисчиларнинг улушини ўтказилгани амалдаги қонун-қоидага мувофиқ жисмоний шахслар даромадига қўшилмайди ва ундан солиқ олинмайди.*

*Бундан ташқари, солиқчилар Давлат солиқ қўмитасининг 2000 йил 11 сентябрдаги 290-рақамли буйруғини ҳам қўпол равишда бузишди, деб ҳисоблаймиз. Яъни текшириш ҳужжатлари МЧЖ вакилининг иштирокисиз кўриб чиқилган. Шунингдек, Қибрай тумани ДСИнинг 6 сентябрда қабул қилган қарори бизга фақат 15 сентябрда топширилди, холос. Банкдаги ҳисоб рақамимизга қўйилган "инкасса" топшириқномаси эса корхонамиз фаолиятига таъсир қилиши тайин"...*

Шу ўринда аризада келтирилган фактлар таҳлилини ҳозирча бир ёққа қўйиб турайлик-да, масалага нисбатан бўлган муносабатнинг ўзига тўхталайлик.

Аввало, қонун ҳужжатлари текширувчи объект учун ҳам бир хил кучга эга эканини таъкидлаш лозим. Шу боис текширувчи қонунни тўғри талқин этиши заруратгина эмас, балки шарт. Тўғри, иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Лекин айрим ваколатли идоралар ходимларининг жиддий янглишишларини, мутлақо асоссиз равишда кимнидир айбсиз айбдор қилишларини оддийгина камчилик деб баҳолаш қийин. Бундай дейишимизнинг боиси шундаки, "SIRO Trading Co. LTD" масъулияти чекланган жамияти Қибрай тумани ҳокимининг 2002 йил 31 январдаги 119-сонли қарори билан давлат рўйхатига олинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, МЧЖ раҳбарияти солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаб бориш билан бирга таъсисчилар умумий йиғилишида қабул қилинган таъсис ҳужжатларидаги ўзгаришларни туман ҳокимлигида доимий равишда рўйхатдан ўтказиб боришган. Бундан ташқари, жамият хусусий мулк шаклида таъсис этилган бўлиб, унинг таъсисчилари Жанубий Корея фуқаролари Хик Ли Ен ва Ким Жонг Кю ҳисобланади. 2002 йилнинг 21 январ куни бўлиб ўтган таъсисчилар умумий йиғилишининг 1-сонли баённомасига асосан жамият устав жамғармаси рўйхатга олинганда 27199000 сўм қилиб белгиланган ва у тўлиқ шаклланган. Текширилган даврдаги энг охирги шаклланиш жамият таъсисчилари умумий йиғилишининг 2002 йил 5 августдаги 7-баённомасига асосан устав жамғармаси 55024900 сўм қилиб белгиланган.

Бунда Х.Линнинг улуши 57,84 фоиз, Ж.Кимнинг улуши 42,16 фоизни ташкил этган.

Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармасининг **"Хўжалик субъектларида ҳужжатли ва назорат текширувларини такомиллаштириш"** бўлими инспектори А.Тулегенов ва Қибрай тумани ДСИ "Ҳуқуқий шахслардан бюджетга ундириладиган тўловларни назорат ва таҳлил қилиш" бўлими ходими А.Турдиқулов 2004 йил август ойида "SIRO Trading Co. LTD" МЧЖнинг 2002-2003 йилларда жамият томонидан солиқ ва мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлиқ тўланишини текширишиб, 27 августда бу ҳақда далолатнома тузишган. Унда ёзилишича, 2002 йил 5 июнда жамият таъсисчилари ҳисобланган А.Пак ва Н.Килишбоев жамият устав жамғармасига улуш сифатида киритилган 8.000.000 сўмдан 16.000.000 сўмлик устав жамғармасини ўз розиликлари билан жамият таъсисчиси Ж.Кимга беришган. Солиқ ходимлари Ким Жонг Кюга ўтказилган 16.000.000 сўмлик устав жамғармасини даромад деб ҳисоблаб, ундан 5.253.400 сўм даромад солиғини қўшимча ҳисоблаб, бу солиқни ўз вақтида тўламагани учун 2.469.100 сўм устама жарима солиш лозим, деган қарорга келишган.

Бундан ташқари, 2002 йил 5 августда жамият таъсисчилари В.Ким, А.Когай ва Б.Когай томонидан МЧЖ устав жамғармасига улуш сифатида қўшилган 8.000.000 сўмдан — жами 24.000.000 сўм маблағни ўз розиликлари билан Ли Хик Енга берганлар. Солиқ ходимлари бу маблағни унинг даромади деб ҳисоблаб, 7.839.200 сўм даромад солиғи ва бу солиқни ўз вақтида тўламагани учун 3.519.000 сўм устама жарима ҳисоблашган.

Шундай қилиб, далолатномадан келиб чиқадиган хулосага кўра, Қибрай тумани ДСИ бошлиғи 2004 йил 6 сентябрда "SIRO Trading Co. LTD" МЧЖдан 13.092.600 сўм даромад солиғи ва бу солиқни ўз вақтида бюджетга тўламагани учун 5.989.000 сўм устама жарима ҳисоблаб, жами 19.081.600 сўм ундириш ҳақида қарор қабул қилган.

Мазкур масалани жиддий ўрганиб чиққан Тошкент вилояти адлия бошқармаси ходимлари шошма-шошарлик билан далолатномада чиқарилган хулосалар натижасида ДСИнинг МЧЖга нисбатан нотўғри қарор чиқаришига сабаб бўлган, деган хулосага келишди.

Хўш, адлия ходимлари бундай хулосага келиши учун қандай қонуний ҳужжатларга таянишган? Қизиқарлиси шундаки, ҳар иккала идора ходимлари асосланадиган қонун-қоидалар алоҳида-алоҳида эмас, балки битта. Гап ана шу қонунларни тўғри қўллаш ва талқин этишда қолган, холос.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, **"Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"**ги қонуннинг 8, 11-моддаларига кўра, жамият таъсисчиси жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини мазкур жамиятнинг бошқа иштирокчисига сотиши ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечишга ҳақлидир.

Жамият таъсисчилари томонидан устав жамғармасидаги улушларини бошқа таъсисчи фойдасига қолдириши, жамият ишчилари бўлмаган ва жамият билан меҳнат шартномаси тузмаган жисмоний шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабат бўлиб, юридик шахс ҳисобланган "SIRO Trading Co. LTD" МЧЖ даромад тўловчи манба ҳисобланмагани учун Солиқ кодексининг 63-моддаси ва 2002 йил 14 мартдаги 1110-сонли Йўриқноманинг 36-бандига кўра, ундан даромад солиғи

Qonun dastagi

ва устама жариманинг ундирилиши мумкин эмас.

Мазкур ҳолатда жисмоний шахснинг даромади Солиқ кодексининг 62-моддасига асосан жисмоний шахс доимий истиқомат қиладиган жойдаги солиқ идорасига тақдим этиладиган декларация асосида солиққа тортилади.

Бундан ташқари, текшириш якунини Қибрай тумани Солиқ инспекцияси томонидан кўриб чиқишда Давлат Солиқ қўмитасининг 2000 йил 11 сентябрдаги 290-сонли буйруғига иловасининг 4,9-бандлари талаблари қўпол равишда бузилган. Яъни масала МЧЖ вакили иштирокисиз бирёқлама кўриб чиқилган.

Қисқаси, юқоридагиларни ҳисобга олиб, Тошкент вилояти адлия бошқармаси Қибрай тумани ДСИ раҳбар номига 2004 йил 29 октябрда 11/1-4098-рақамли тақдимнома киритди.

Қибрай тумани ДСИ раҳбари Б.Юсуповнинг имзоси билан 2004 йил 4 ноябрдаги 03/2-3912-рақамли жавоб хати олинди. Унда "SIRO Trading Co. LTD" масъулияти чекланган жамиятда шу йил 27 августда ўтказилган текшириш далолатномаси қайта кўриб чиқилгани ҳамда жисмоний шахслардан олинган даромад солиғидан қўшимча ҳисобланган 13092600 ва ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,07 фоиз устама — жами 19081600 сўмлик жарима бекор қилингани, банкка қўйилган "инкасса" топшириқномаси қайтариб олингани хабар қилинади.

Хулоса ўрнида бир гапни таъкидлашни лозим топдик: Вазирлар Маҳкамасининг **"Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги 2003 йил 2 майдаги қароридан келиб чиқадиган вазифаларни нафақат адлия, балки бошқа ваколатли идоралар ходимлари ҳам бирдай бажаришлари лозим. Йўқса, ўзи яхши билмаган нарсани бошқалардан талаб қилиш кишини уятга қолдириши тайин.

**Маъмуржон ТЎЙЧИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

E`tirof

# ФАОЛЛИК

## БУ ГАЛГИ САЙЛОВЛАРНИНГ ЁРҚИН ЖИҲАТИ

— Сайловларни муваффақиятли ўтказиш ва ушбу жараёнда аҳоли фаоллигини ошириш чинакам демократия гарови ҳисобланади. Мен Ўзбекистонда ана шу ижобий бурилишнинг гувоҳи бўлиб турибман, — деди халқаро кузатувчи сифатида мамлакатимизга ташриф буюрган америкалик таниқли тадқиқотчи ва публицист, "Уикли Стандарт" журнали мухбири Стефан Шварц.

Мамлакатимиз илмий-ижодий жамоатчилиги Стефан Шварцни таниқли исломшунос олим ҳамда мустақил юртимизнинг қадрдон дўсти сифатида яқиндан танийди. У муқаддам мамлакатимиз бўйлаб қилган илк сафари чоғидаёқ Ўзбекистонга меҳри тушган, юртимиздаги демократик жараёнларни аниқ идрок этган. Жаноб Шварц бу галги ташриф мамлакатимиз ҳақидаги илиқ ва холис фикрларини янада бойитишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

У Хоразм вилоятида бўлиб ўтган сайлов жараёнларини кузатди. Вилоят сайлов комиссиясида воҳа ижодий жамоатчилиги вакиллари билан дўстона мулоқот қилиб, уларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб берди. Бевосита овоз бериш жараёни кетаётган сайлов участкалари фаолияти билан атрофлича танишгач, мамлакатимизда тобора чуқурлашаётган ҳақиқий демократия намунасини кўрганини эътироф этди.

Умуман олганда, бу галги сайловлар мамлакатимиз фуқаролари фаоллиги ортганини кўрсатди. Сайловларга оид мамлакатимиз қонунчилиги аҳолининг номзодларни эркин танлаши, овоз беришни ўз хоҳиш-иродасига кўра амалга ошириш кафолатига айланди. Бу эса аҳолининг сайловларга бўлган ишончи ва қизиқишини оширди.

Боғот туманида овоз берувчилар сони бу галги сайловларда 50 минг нафар кишига етди. Искандар Дўсов номидаги ширкат хўжалиги жойлашган 67-сайлов участкаси ҳудудидаги 2795 нафар кишини овоз беришга таклиф этди. Таклифнома эгаларининг 1819 нафари ёки 70 фоизи соат 12 га қолмаёқ ўз фуқаролик бурчини адо этди.

— Бу йил 95 баҳорни қаршилаган Гулшан момо Ортиқова, 93 яшар Бика момо Собирова, 92 яшар Раҳим бобо Давлатовлар ҳузурига участка сайлов комиссияси аъзоларининг ўзлари ташриф буюришди, — деди участка сайлов комиссияси раиси, муаллима Сафаргул Жуманиёзова. — Кексалар дуо ва эзгу дил изҳорлари билан бюллетенларни кўчма овоз бериш қутиларига ташлашди. Участка сайлов комиссияси шу куни жами 29 нафар кекса, ногирон ва хасталарнинг ўзлари яшаётган жойда овоз беришини таъминлади. Ўтган галги сайловлардан буён биргина ушбу участка ҳудудида 106 нафар ўсмир 18 ёшнинг бўсағасидан ҳатлади. Улар бу гал илк бора овоз беришда қатнашишди.

Кузатувчи сифатида иштирок этган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг вакиллари сайловларни ҳозирлаш ва овоз бериш жараёнидан қониқиш ҳосил қилишганини эътироф этишди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, фаоллик, юксакликка кўтарилган сиёсий онг ва ҳуқуқий савия бу галги сайловларнинг ёрқин жиҳатига айланди. Сайловлар мамлакатимизда демократиялашув жараёни янги босқичига кирганини яққол тасдиқлади.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Yil yakuni

# ФАРОВОНЛИК СИРИ

Истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб, 1995 йили 18 гектар ерда фермер хўжалиги ташкил этдик. Уста деҳқон бўлган отам Ҳошимжон Йўлдошев етакчилигида оиламиз билан астойдил меҳнат қилаётганимиз туфайли ҳар йили шартнома шартларини ортиғи билан уддалаб келаяпмиз. Биргина шу йилнинг ўзида 11 тонна буғдой, 36 тонна пахта етиштирдик. Режадан ортиқ 5-6 тонна буғдойни оиламиз эҳтиёжи учун асраб қўйдик.

Фермер хўжалигимиз 36 тонна пахтанинг 80 фоизини биринчи сортга сотгани учун 8 миллион сўм соф даромад кўрди. "Пахтабанк"нинг Улуғнор тумани бўлимидан 5 фоизли имтиёзли кредит олган эдик. Кредит маблағини ёнилғи, техника, ўғит ва пахта йиғим-терим вақтида иш ҳақи учун сарфладик. Тез орада банкка қарзимизни тўлиқ қайтарамиз.

Хўжалигимизда "МТЗ-80" русумли тиркамали тракторимиз бор. У ўзимиздан ортиб, бошқа фермер ва ширкат хўжаликларига ҳам хизмат кўрсатиб, даромад келтирмоқда. Топган даромадимизни яхши кунларга ишлатаяпмиз.

Умуман айтганда, биз, истиқлол қалдирғочлари бўлган фермерлар сафида мустақил давлатимиз гуллаб-яшнашига ҳисса қўшаётганимиздан, ҳалол меҳнат орқали даромад олаётганимиздан мамнунмиз.

Хуллас, ҳалол меҳнат қилган кишининг ҳамиша ошиғи олчи. Бунга фермер хўжалигимиз тақдири мисолида тўлиқ ишонч ҳосил қилдик.

**Азамат ОТАХОНОВ,**
**Улуғнор туманидаги**
**"Азизбек" фермер**
**хўжалиги бошлиғи**

***Бугун мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида иқтисодий муносабатлар такомиллашаётгани, хўжалик фаолияти юритиш учун зарур шарт-шароитлар яратилаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Энг муҳими, иқтисодий ночор қишлоқ хўжалиги корхоналари ўрнида хўжалик юритишнинг мутлақо янги шакли жорий этилиши учун зарур меъёрий-ҳуқуқий асослар яратиб берилган.***

Talab va taklif

# ИСТЕЪМОЛ ҲУҚУҚИ



## У АНИҚЛИК ВА ОМИЛКОРЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги **"Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори шундай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар учун асос яратди, дейиш мумкин. Ушбу қарорга биноан **"Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида фермер хўжалиги барпо этиш учун талабгорларни танлаш ва уларнинг танловини ўтказиш тартиби"** ва унга иловалар билан бир қаторда **"Қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналар ҳудудида ўзаро сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиш тартиби"** юқоридаги қарорга 7-илова сифатида белгиланди.

Мазкур иловада **"Ўзаро сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиш", "сувдан фойдаланувчилар", "сувдан фойдаланувчилар уюшмаси"** (СФУ), **"сув хўжалиги объектлари", "мелиоратив фонд"** ва сув лимити каби иборалар ҳақидаги тушунча батафсил баён қилинган. Жумладан, илованинг **"сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ташкил этиш"** бобининг 2.1-бандида **"Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудида ўзаро сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиб боришни таъминлаш учун ташкил қилинади"** деб айтилган. Шунингдек, 2.4-бандда **"Уюшма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, таъсис шартномаси ва уставга мувофиқ, ўз аъзоларининг пул ва моддий бадаллари ҳисобига амалга оширади.**

**Ўз фаолиятини амалга ошириш учун уюшма қонунда белгиланган тартибда пул ва моддий маблағларни ҳамда бошқа манбаларни жалб этиши мумкин"**, дейилган.

Бироқ сувдан фойдаланиш уюшмалари аъзолик бадалларини йиғиб олишда бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. Биргина Сирдарё вилоятида ташкил этилган 64 та СФУнинг атиги 2 тасигина ноябр ойига қадар қисман бадал тўплай олган. Бунинг устига, аъзолик бадалини тўплаш ихтиёрий тарздан кўра, мажбурият тусини олмоқда. Яъни сувдан фойдаланувчилар билан тузилган шартномада кўрсатилган маблағ бўйича СФУ судларга даъво аризаси киритмоқда.

Хўш, ҳар сафар ва ҳар бир хўжалик бўйича СФУ судга мурожаат этиши шартми? Ахир, судга даъво аризаси киритилгач, у ҳал этилгунга қадар ойлаб вақт ўтади.

Шу ўринда табиий савол туғилади: даъвони кўриб чиқиш ва ҳал этиш муддатини қисқартириш мумкинми?

Бизнингча, бунинг ҳуқуқий ечими мавжуд.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 январдаги **"Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"** қарорига иловада қайси манбалар бўйича қарзларни ундириш мумкинлиги қайд этиб ўтилган. Илова **"Нотариусларнинг ижро хатларига асосан қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхати"** деб номланади. Жумладан, битим бўйича қарз, кредит, ижара ҳақи, электр энергияси етказувчи, абонемент, ижара эгаси талабномалари бўйича қарзларни ундириш учун тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг нотариуслар ижро хати чиқариш кифоя қилади.

Шундан келиб чиқиб айтганда, СФУларга қарз тўловларни ундириш учун нотариус ижро хати етарли. Бунинг устига, судларда кўрилаётган даъволар бўйича асосий қарзга қўшимча устама ёки жарима ундириш ҳақида гап бормаяпти. Балки СФУлар бадал ва суғоришга сарфланган сув ҳақини хўжаликлардан ундириб берилишини сўрашмоқда. Демак, ижро хати тайёрлаш учун нотариусга шартнома нусхаси ва қарздорнинг ёзма огоҳлантириш олганлиги тўғрисидаги тилхати ҳамда ўзаро ҳисоб-китобларни солиштирма далолатномаси нусхаси — даъво аризаларининг кўриб чиқилишини ойлаб судраб юришни қисқартирган ва СФУлар ҳақ-ҳуқуқи тезроқ тикланишига ёрдам берган бўлар эди.

Юқоридаги масалани амалда жорий этиш учун бор-йўғи юқоридаги қарор иловасига **"Сувдан фойдаланганлик учун қарзни ундириш"** бобини киритиш лозим бўлади. Яна баъзи хўжаликлар маблағ йўқ, деган баҳонада аъзолик бадали тугул, суғоришга сарфланган ёки олинган сув ҳақини йиллаб тўлолмай юришларига барҳам берган бўларди. Улар баҳона эмас, имконият излаб топишларига ҳам шубҳа қолмасди.

**Салима УСМОНОВА,**
**ҳуқуқшунос**

Taassuf

# БИРОВНИНГ ҲАҚИ

## ЕЛКАГА ОҒИР ЮК БЎЛИБ ТУШДИ

Боёвут туманидаги "Одил" фермер хўжалиги ўтган кузда яхши ният билан ғалла экиб, тегишли корхоналар билан 2003 йил 20 декабрда шартнома тузган эди. Унга биноан хўжалик ғалла қабул қилувчи корхона — "Оқ олтин дон" акциядорлик жамиятига 4,7 тонна ғалла етказиб берди. Бироқ ғалла учун ҳақни фермерга жамият яқингача тўламай келди. Аниқроғи, фермер хўжалиги раҳбари С.Хидиров Сирдарё вилояти адлия бошқармаси орқали вилоят хўжалиги судига мурожаат этишга қадар жамият асосий қарз маблағини фермер хўжалигига ҳисобга ўтказиб бермаган. Яна шартномада кўзда тутилганидек, тўловнинг кечиктирилган ҳар бир куни учун жами 0,4 фоиз миқдорида устама тўлаши ҳам лозим эди.

Бироқ суд жавобгарнинг иқтисодий ночор аҳволи, шунингдек, Фуқаролик кодексининг 326-моддаси, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги қонунининг 32-моддаси ҳамда Олий хўжалик суди Пленумининг 1999 йил 5 февралдаги 77-қарори талабларидан келиб чиқиб, ундирилиши лозим бўлган устама миқдорини 120 минг сўмга қадар камайтириб ҳисоблашни лозим топди. Шундай қилиб, "Оқ олтин дон" ҳиссадорлик жамиятидан фермер хўжалиги ҳисобига 664698 сўм асосий қарз, 120 минг сўм устама — жами 784638 сўм ундириладиган бўлди. Бундан ташқари, жавобгар давлат божи ва суд харажатларини ҳам тўлайди.

Деҳқон ғаллачиликдан даромад олса, уни дала ишларига, ўғитга, уруғликка сарфлайди. Шундай бўлгач, деҳқоннинг чўнтагини бўш қўйишни эмас, ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб туришни ўйлаш керак эмасми?

Деҳқон йўлига тўғаноқ қўяётганлар "Оқ олтин дон" ҳиссадорлик жамияти каби жарима тўлашлари ҳам рост гап.

Боёвут туманидаги "Деҳқонобод" МТП ҳудудида сарсон бўлганлардан яна бири "Нур-2000" фермер хўжалигидир. "Гулистон дон қабул қилиш" акциядорлик жамияти 2002 йил 15 сентябрда тузилган 14-сонли ҳамда 2003 йил 2 ноябр кунги 63-сонли шартномалар бўйича қабул қилиб олинган дон ҳақини хўжаликка тўлолмай келган. Ҳолбуки, у 26,4 тонна дон етказиб берган эди.

Тузилган шартномаларга биноан "тайёловчи", яъни жамият маҳсулот қабул қилиб олингандан сўнг якуний ҳисоб-китоб солиштирма далолатномасига асосан 7 кун мобайнида ҳақни тўлиқ тўлаш мажбуриятини олган.

Шунга қарамай, "тайёрловчи" хўжаликка 2003 йилги ҳосил учун 863 минг сўм, 2004 йилги ҳосил учун 1070 минг сўмни тўламаган. Ушбу қарз миқдорига нисбатан устама миқдори 50 фоиздан ошиб кетган. Шу боис устама миқдори қарзнинг 50 фоизи миқдорида, яъни 434507 сўм этиб белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-қарори билан тасдиқланган "Адлия вазирлиги тўғрисида"ги Низом ва Фуқаролик кодексининг 333-моддаси ҳамда хўжалик процессуал кодексининг 6,112-114, 135-моддаларига асосан "Гулистон дон қабул қилиш" корхонаси акциядорлик жамияти ҳисобидан "Нур-2000" фермер хўжалиги фойдасига жами 1933731 сўм асосий қарз, 933462 сўм устама ундириш тўғрисида хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Жавобгар судгача хўжаликка асосий қарзларини тўлаб қўйгандан сўнг судда фақат устама масаласи кўрилди. Ахир, қарзни йиллаб тўламай келиб, устама ва жаримадан қутулиб кетиши жавобгарга нисбатан ўта юмшоқлик бўлар эди. Суд жавобгарнинг иқтисодий ночор аҳволини, кредиторлик қарзларининг кўплигини, устамани тўлиқ ундириш жавобгарнинг иқтисодий аҳволини янада танг ҳолатга олиб келишини эътиборга олиб ҳамда Фуқаролик кодексининг 326-моддаси талабларига мувофиқ устама миқдорини ярмига қисқартирди.

Шу ўринда бир мулоҳаза: суд адолатли қарор чиқарди. Лекин "тайёрловчи" икки йилдан буён меҳнат ҳақини тўламай келаётганини нима билан изоҳлаш мумкин?

**Абдимурот ҚЎЗИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

***Қишлоқ хўжалигида тубислоҳотлар амалга оширилаётгани натижасида зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатлар фермер хўжаликларига айлантирилмоқда. Чунки ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқдаки, фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги баланд. Ширкат хўжаликларига нисбатан фермер хўжаликларида моддий ресурслар икки марта кам сарфланмоқда. Бошқарув харажатларига эса ҳожат қолмаяпти.***

# ЕРНИ АЛДАГАН ЎЗИНИ АЛДАЙДИ

Маълумки, фермер хўжаликларининг ҳуқуқий мақоми **"Фермер хўжалиги тўғрисида"**ги қонун, **"Фермер хўжалигининг Намунавий Устави", "Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқароларга узоқ муддатли ижарага бериш тартиби"** ҳамда **"2004-2006 йилда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"**ги Президент Фармони билан белгиланади. Бироқ баъзи фермер хўжаликлари ердан самарали, оқилона фойдалана олмаяпти. Улар ўз фаолиятларини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш борасида жиддий хатоликларга йўл қўймоқда.

Келинг, фикримизни мисоллар билан исботлашга уриниб кўрайлик.

Когон тумани ҳокимининг 2001 йил 21 августдаги қарори билан "Жўраева Завқи" фермер хўжалигининг низоми рўйхатга олинган. Унга тумандаги "Бухоро" ширкат хўжалиги ҳудудидан 37,6 гектар ер майдони ажратилган. 2003 йил 20 декабрда туман ҳокими ва фермер хўжалиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида 29-сонли шартнома имзоланган.

Контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга — тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади. "Жўраев Завқи" фермер хўжалиги 2002, 2003, 2004 йилларда тайёрловчи ташкилот бўлган давлат эҳтиёжи учун пахта хомашёси етказиб бериш тўғрисида контрактация шартномасини имзолайди.

Шартномага асосан фермер хўжалиги 2002 йилда 35,5 гектар ерга пахта уруғи қадаб, 78 тонна хомашё топшириши лозим эди. Афсуски, бор-йўғи 19,8 тонна пахта қабул пунктига етказиб берилади. 2003 йилда бу кўрсаткич худди шунча майдондан 7,5 тоннани ташкил этади. Гектаридан 2,1 центнер (?!) ҳосил олинади. 2004 йилда эса шартнома мажбуриятлари назар-писанд қилинмай, мутлақо пахта уруғи экилмади.

Фермер хўжалиги томонидан контрактация шартномаси бўйича давлат буюртмасига оид мажбуриятини бажармаслик, ер ижараси шартномасини қўпол равишда бузиш фермер хўжалигининг ер участкасига бўлган ҳуқуқи ва ер ижараси шартномасини бекор қилиш учун асос бўлади. Бу ўз навбатида "Ер" кодексининг 36-моддаси ва Фуқаролик кодексининг 382-моддаси, 2-қисмида ўз тасдиғини топган.

"Жўраев Завқи" фермер хўжалиги фаолияти давомида "Қишлоқ хўжалик кимё" ДАБ туман филиалидан, «МТП» ДАЖ туман корхонасидан ва "Бухоронефтгаз" унитар корхонасидан жами 5.269.607 сўм қарздор бўлган.

Вилоят хўжалик судининг Когон тумани ҳокимлиги биносида бўлиб ўтган сайёр суд мажлисида туман ҳокимлиги ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг даъвоси қаноатлантирилди.

Туман ҳокими ва фермер хўжалиги ўртасида тузилган ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисидаги шартнома бекор қилинди. Агар фермер Х.Жўраева ерга эгалик қилиш туйғусини чуқур ҳис қилганда, яратиб берилган имкониятлар, имтиёзлар, ҳуқуқий асослардан тўлиқ фойдаланганда ердан маҳрум бўлмас эди.

Фуқаролик кодексининг 454-моддасига кўра, товарлар тўлиқ етказиб берилмаганда қонун ва шартномада белгиланган неустойкани жавобгардан тўлаб бериш талаб қилинади. «Жондор пахта тозалаш заводи» очиқ турдаги акциядорлик жамияти худди ана шу қоидага амал қилди.

Тумандаги "Самоиддин" фермер хўжалиги пахта тозалаш заводи очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти билан давлат эҳтиёжи учун пахта хомашёси ва уруғлик пахта харид қилиш бўйича 2004 йил 1 мартда 654-сонли контрактация шартномаси тузган. С.Қувватов раҳбарлик қилган фермер хўжалиги 2004 йил ҳосилидан 9,6 тонна пахта етказиб бериш шартнома мажбуриятини бажармаган.

Dakki

Хўш, бунинг оқибати нима бўлди?

Тарафлар ўртасида тузилган контрактация шартномасининг 5.2-бандида маҳсулот топширишдан асоссиз бўйин товлаган ва белгиланган сифатда, миқдорда, муддатларда топширмагани учун етказиб берилмаган пахта ҳосилининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлаши кўрсатилган. Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан даъвогар — «Жондор пахта тозалаш заводи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти фойдасига жавобгар — фермер хўжалигидан ўртача пахта нархи ҳисобидан олинган 540.000 сўм жарима ундириб берилди.

Фермер хўжаликлари раҳбарлари аграр соҳада ўтказилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаса, ерни алдашмаса, виждон амри билан меҳнат қилишса, ҳуқуқий билимларини ошириб боришса, бойиб бораверишларига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Зеро, келажак — қишлоқлардаги мулкдорларники, фермерларники.

**Валижон ЮСУПОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Farmon va ijro

# БАҒРИКЕНГЛИК

***Мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилаётган доимий эътибор самараси ўлароқ, жазолашнинг репрессив озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойиллари амалда тобора кенг қўлланилмоқда.***

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлигига эмас, балки қонунни бузган шахснинг жазо муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ. Шу боис жиноят кўчасига кириб қолганларни қайта тарбиялаш масаласига жиддий эътибор қаратилаётир.

Президентимизнинг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг ўн икки йиллиги муносабати билан эълон қилинган **"Амнистия тўғрисида"**ги Фармони бу борадаги муҳим қадамлардан бўлди.

Инсон эрки билан боғлиқ бу ҳужжат кўплаб кишилар кўнглида умид учқунларини ёқди. Зеро, инсон учун дунёда озодликдан улуғроқ неъмат йўқ. Айниқса, кейинги йилларда ёт ғоялар таъсирига тушиб, ҳар хил бузғунчи оқимлар, жумладан, диний-экстремистик гуруҳларга қўшилиб қолган айрим ёшлар бугун ўз хатосини англаб етяпти.

— Давлатимиз раҳбари томонидан бундай кишиларнинг авф этилиши уларни юртимиз равнақи ва фарзандлари келажаги йўлида тўғри яшаб, ҳалол меҳнат қилишга ундаяпти, — деди Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлими бошлиғи Абдужаббор Абдунабиев. — Диний-экстремистик оқим таъсирига тушиб, кейинчалик хатосини англаб етган бир гуруҳ юртдошларимизнинг гуноҳларидан кечиш борасида сўраб қилган мурожаатлари Юртбошимиз имзо чеккан **"Амнистия тўғрисида"**ги Фармон туфайли ижобат бўлди.

Бўстонлиқ туманидаги Товоқсой қишлоғида жойлашган жазони ижро этиш муассасасидан уч нафар шундай шахс озодликка чиқарилди.

Улардан бири Равшан Юсуфхўжаев. У мамлакатимиз Конституциявий тузумига тажовуз қилиш, жамоат хавфсизлигига таҳдид соладиган материаллар тайёрлаш ва тарқатиш, диний-экстремистик, сепаристик, фундаменталистик каби таъқиқланган ташкилотларни тузиш, уларга раҳбарлик қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этгани учун 2003 йил 21 февралда озодликдан маҳрум этилиб, жазо муддати 2011 йилгача белгиланган эди.

— Ўтган давр мобайнида юртим, ота-онам, фарзандларим ҳаққи-ҳурмати тўғри яшашим зарурлигини, кирган йўлимнинг эртаси йўқлигини чуқур англадим, — дейди Равшан. — Президентимизнинг мен каби адашганларни оталарча ғамхўрлик билан кечирганидан ниҳоятда миннатдорман. Мен бу ишончни ҳалол меҳнатим билан оқлайман.

— Ўғлимнинг озодликка чиқиб, фарзандлари бағрига қайтгани мен учун улкан бахт, — деди унинг онаси Озода Юсуфхўжаева. — Бунинг учун Президентимиз Ислом Каримовга мингдан-минг раҳмат.

— Президентимизнинг улкан ғамхўрлиги туфайли Равшан муддатидан анча олдин уйига қайтди, — дейди маҳалла оқсоқоли Собиржон Абдураҳмонов. — Бу бағрикенглик ва ғамхўрликнинг моҳиятини у чуқур англаб, шунга муносиб умр кечиради, деган умиддамиз. Биз маҳалла фаоллари ҳам унга ҳар томонлама ёрдам берамиз.

Президентимизнинг улкан ғамхўрлик ва меҳр билан йўғрилган Фармони ана шундай адашган кишиларга тўғри яшаш ва меҳнат қилиш имконини бермоқда.

**Норгул АБДУРАЙИМОВА,**
**журналист**

Huquqiy ma`rifat

***Аввало шуни айтиш керакки, "Нотариат" атамаси лотинча "нотариус" сўзидан олинган бўлиб, "хат ёзувчи котиб" маъносини билдиради. Нотариал идоралар юридик фактларни белгилайди ва у фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги низоларни ҳал қилувчи суд муассасаларидан фарқланади. Бу идоралар фуқаролар билан бевосита учрашиш йўли билан ёки қонунда кўрсатилган ҳолларда ҳужжатларга асосан низосиз ҳуқуқларни ва юридик фактларни гувоҳлантиради.***

# НОТАРИУСНИ СУДГА БЕРИШ ТАРТИБИ

Нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш билан келгусида келиб чиқиш эҳтимоли бўлган низоларнинг олдини олади. Бу билан нотариуслар фуқаролар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиб, уларнинг мулкий ва шахсий ҳуқуқларига зарар етишига йўл қўймайди.

Фуқаролик процессуал кодексида давлат ва бошқа идоралар, мансабдор шахслар, шу жумладан, нотариусларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан судга мурожаат этиш ҳуқуқи баён этилган.

Ушбу қоидага кўра нотариуснинг ҳаракатлари устидан судга шикоят бериш тартиби икки турга бўлинади. Унинг биринчиси бажарилган нотариал ҳаракат устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиши бўлса, нотариал ҳаракатни бажаришни рад этганлик ва нотариуснинг бошқа хатти-ҳаракатлари бўйича судга шикоят қилиш иккинчи тур ҳисобланади.

Шикоят қилишнинг бу тартиблари бир-бирларига ўхшаш бўлса-да, шу билан бирга бир-биридан фарқ қилувчи жиҳатлари ҳам мавжуд. Ҳар иккала турдаги шикоят қилиш тартибида ҳам шикоят мазмуни нотариал ҳаракат устида боради. Биринчи турдаги шикоятда бажарилган нотариал ҳаракат устида бўлиб, бунда нотариал ҳаракат охирига етган, бунинг натижасида муайян юридик оқибатлар келиб чиқади. Масалан, нотариал гувоҳлантирилган олди-сотди шартномасига асосан мулкни сотиб олган шахс мулк эгаси ҳисобланади. Иккинчи ҳолатда эса нотариал ҳаракат бажарилмаган, нотариус эса нотариал ҳаракатни бажаришни рад этган бўлади. Нотариал ҳаракат бажарилмагани сабабли ҳеч қандай юридик ҳужжат расмийлаштирилмагани ҳуқуқий оқибатлар пайдо бўлмайди. Шу сабабли нотариуснинг нотариал ҳаракатни бажаришни рад этгани учун норози тараф унинг бу хатти-ҳаракати устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи вужудга келади.

Нотариуснинг нотариал ҳаракатни бажаришни рад этиш учун қандай ҳолатлар асос бўлишига эътибор бериш лозим.

**"Нотариат тўғрисида"**ги қонуннинг 38-моддасида нотариал ҳаракатни амалга оширишни қуйидаги ҳолларни рад этиш учун асос бўлиб ҳисобланади:

- агар нотариал ҳаракатни амалга ошириш қонунга зид бўлса;
- бу ҳаракат бошқа нотариус томонидан амалга оширилиши керак бўлса;
- муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган бўлса;
- юридик шахс номидан амалга ошириладиган битим унинг уставида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса;
- битим қонун талабларига мувофиқ бўлмаса;
- нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

Нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этган тақдирда бу ҳақда мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан қарор чиқаради.

Нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш тўғрисидаги мурожаати рад этилган шахснинг илтимосига биноан рад этиш сабабини ёзма равишда баён этиб, рад этиш устидан шикоят қилиш тартибини тушунтиради. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш тўғрисидаги қарорни нотўғри деб ҳисоблаган манфаатдор шахс бу хусусда давлат нотариал идораси ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус жойлашган жойдаги судга шикоят қилишга ҳақлидир.

Нотариал ҳаракат нотўғри бажарилгани ёки уни бажариш рад этилгани ҳақидаги шикоятлар нотариал ҳаракат нотўғри бажарилгани ёки бундай ҳаракатни бажариш рад этилгани аризачига маълум бўлган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда берилади (ФПКнинг 273-моддаси).

Суд шикоятни қабул қилиб олиш билан ҳужжатларни тўғри ва тўлиқ тўплангани, унинг судга тааллуқлилигини аниқлаб, мазмунан кўргандан сўнг тегишли қарор қабул қилади. Бажарилган нотариал ҳаракат суднинг қарорига асосан бўлгани сабабли бу ҳаракатни бажариш билан вужудга келган юридик оқибат ҳам ўз-ўзидан бекор бўлади.

Демак, суд нотариал ҳаракатлар ёки бундай ҳаракатларни бажаришни рад этганлик ҳақидаги шикоят юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорида, агар шикоят қаноатлантирилган тақдирда бажарилган нотариал ҳаракатни бекор қилиш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқаради ёки нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахс зиммасига зарур ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклаш масаласини ҳал этишни қонунда ўз ифодасини топган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, нотариал идоралар фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда уларга ёрдам кўрсатади.

**Мусо САФОЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

# АДОЛАТ БАЙРОҒИ ЮКСАК ҲИЛПИРАЙВЕРСИН!

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Бунинг учун кўп нарса керак эмас — жиддий ҳафсала ва хоҳиш бўлса, қолганига тиббиёт ёрдам беради.

Шу билан мақолани тугатсам бўларди, бироқ кўнглимда тугилиб қолган бир масалани ўртага ташламасам, бўлмайдиган кўринади.

Биз фуқаролик жамиятини барпо қилмоқдамиз. Бу жамиятда ҳамма эмин-эркин ва фаровон яшамоғи керак. Бу жамиятнинг энг юксак жойда Ўзбекистон байроғи билан ёнма-ён адолат байроғи мағрур ҳилпираб турмоғи даркор. Бу жуда муҳим — муҳтарам Президентимизнинг қайта-қайта такрорлайдиган бир гапини эсланг: **"Одамлар ҳаммадан ҳам кўра адолатга муҳтож, улар очликка чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидолмайди!"**

Чиндан ҳам, олтинга тенг доно сўзлар. Шунинг учун ҳам адолат барқарор бўлиши учун одамлар ҳар хил катта-кичик ташкилотларни ўйлаб топишган, ҳар хил жамғармалар ва гуруҳларни тузишган. Ҳақ-ҳуқуқни ҳимоя қилувчи, бинобарин, адолат посбонлари бўлиши керак бўлган одамлар худди постда турган соқчилардай ҳамиша бедор ва ҳушёр бўлишлари керак. Акс ҳолда ҳар хил имонсиз ва инсофсиз одамлар Адолатни тилим-тилим қилиб сотиб ейишдан ҳам тоймайди.

Адолат маликаи Ҳуснобод сингари шу даражада кучлик ва жозибадорки, уни кўрганда дили бузилиб, таъма билан қўл чўзмайдиган одам топилмаса керак. Адолат йўқ жойда эса жамият кўкармайди, одамларнинг бири икки бўлмайди, топганлари қоқигулдек шамолда тирқираб йўқ бўлиб кетаверади. Фаровонлик учун маънавият, виждон, диёнат қанчалик зарур бўлса, адолат ҳам шунчалик керак. Адолат бўлмаса, одамлар юрагидаги эътиқод ҳам сўнади, улар йўлчи юлдузини йўқотиб қўйган одамдай гарангсиб қолади. Шуниси қизиқки, адолат фақат катта ишларда бўлмайди — у ҳаётдаги ҳар қандай майда ишларда ҳам, кундалик икир-чикирларда ҳам намоён бўлади, лекин бундан қатъи назар, унинг таъсири жуда катта бўлади.

Менинг бир танишим бор. У биология фанлари доктори. Лекин ҳозир тижорат билан шуғулланади. У сал олдин Бельгиянинг бир фирмасида пахта толаларининг сифати бўйича эксперт бўлиб ишлади. Аммо домласи тушмагур рақобат қонунларини яхши тушунолмаганми ёки бу ерда рақобат бу даражада қаттиқ бўлади, деб ўйламаганми — ҳар ҳолда жиндай қоидадан чиқиб кетибди. Уни роса текширишибди, лекин шундан бошқа "айб" топиша олмабди. Бу айб нима экан денг? Толани ҳеч кимга доллардан бошқа пулга сотиб бўлмас экан. У бўлса (энг катта бошлиғининг ёзма буйруғи билан) кимгадир, қанчадир толани сотган. Уни анча катта муддатга қамашди. У анча йил «ўтирди». Тинч ўтиргани йўқ — устма-уст шикоятлар ёзаверди. Охирида, муддатни қисқартириб, амнистия туфайли қамоқдан чиқди. Амнистия гуноҳдан ўтиш, у бу одам гуноҳсиз деган маънони билдирмайди. Бу масалада бир судья у йигит билан юзма-юз очиқ гаплашганда, "сизда мутлақо гуноҳ йўқ, судья сифатида кўриб турибман, лекин сизни оқласам балога қоламан, бизда ҳам бола-чақа бор" дебди. Шу тарзда унга оқлайдиган ҳукм ҳануз чиқарилгани йўқ. Ахир, суд жараёнида қайси бир ишларда жиноят излари бўлмайди, лекин барибир, оқлов ҳукми чиқарилмайди. Натижада жамиятга авжи фойда келтириб, унинг муҳим бир соҳасини тебратишга ҳисса қўшган инсон қирчиллама даврининг бир қисмини турмада ўтказишга мажбур бўлади. Бу эса фақат у одамга ва унинг оила аъзоларигагина эмас, балки одамларга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунга ўхшаш адолатсизликлар жамиятнинг олға силжишидаги оқсалишларга сабаб бўлмаяпти, деб ким айта олади? Наҳотки, адолат ғалабасини таъминлаши керак бўлган одамлар бундай аҳволни кўра-била туриб, ичлари ачимаса, ёнмаса?

Байрам куни, улуғ айём кунларда нохуш гаплар билан юрагингизни сиқдим, узр. Аммо байрам ўзимизники, биз ҳам ҳаммамиз бир миллатнинг фарзандларимиз. Муаммолар ҳам ўзимизники — уларни ўртага ташласак, жиндай бўлса-да, енгил тортармикансизлар дедим-да.

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

## ОРЗУЛАР УШАЛГАН ЙИЛ



**Фурқат МУРОДОВ,**
**ТДЮИ 1-босқич талабаси**

2004 йил ҳаётимда энг ажойиб, унутилмас йиллардан бири бўлди. Чунки бу йил мен Тошкент Давлат Юридик институти талабаси бўлишдек бахтга муяссар бўлдим. Йил бошида режалаштирган ниятларимга деярли эриша олдим, десам ҳам бўлади. Тўғри, баъзи бир орзуларим ушалмай қолди, лекин бу орзуларимга 2005 йилда, албатта, эришишга ҳаракат қиламан.

Менимча, мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги бу йилги энг муҳим воқеа, бу шубҳасиз, икки палатали парламентга ўтиш, яъни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловлардир. Икки палатали парламент юртимиз тарихида илк бор ташкил этилаётгани боис халқимиз бу масалага алоҳида эътибор билан қарамоқда.

Ҳар бир инсон ўз олдига маълум бир мақсад ва орзу-умидларни қўйиб, кейин уларга эришиш учун ҳаракат қилади. Яқинлашиб келаётган 2005 йилдан менинг ҳам жуда кўп орзу ва ниятларим бор. Аввалambор, ТДЮИ талабаси деган шарафли номни оқлашга, етук, билимли ҳуқуқшунос кадр бўлишга ҳаракат қиламан. Ундан ташқари, дилимда яна бир қанча шахсий орзуларим бор. Менимча, буларнинг сир бўлиб қолгани яхшироқ.



**Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,**
**юридик фанлари номзоди**

## МУВАФФАҚИЯТЛИ КЕЧДИ

Якунига етиб бораётган 2004 йил мен учун муваффақиятли кечди, десам, муболаға бўлмайди. Шахсий ҳаётимда ҳам, илмий фаолиятимда ҳам ниятларим амалга ошди. Юртим, ота-онам, қон-қариндошларим соғ-саломат, фарзандларим баркамол. Бундан бошқа яна қандай бахт бўлиши мумкин? Армоним бор деб айтмайман, лекин орзуларим кўп ва уларни кириб келаётган янги 2005 йилда ушалишига ишончим комил.

Якун топаётган йилда мамлакатимиз ҳаёти учун энг унутилмас воқеа, шубҳасиз, икки палатали парламентнинг жорий этилиши деб биламан.



**Мадинабону НАСРЕТДИНОВА,**
**ТДЮИ 2-босқич магистранти**

## УМИДЛАРИМ БИСЁР

Якун топаётган 2004 йилда ТДЮИ магистратурасининг 1 курсини муваффақиятли тамомлаб, 2 курсга ўтдим. Йил бошида режалаштирган ниятларимнинг кўп қисми рўёбга чиқди. Лекин бир ниятимга, яъни ўқиш билан бир қаторда амалиётда ҳам ишламоқчи эдим. Магистрлик диссертациясини ёзиб тугатишим кераклиги учун бу мақсадимга эришолмадим. Лекин келаётган янги йилда бу орзум ушалади деб ўйлайман. Ўтиб бораётган 2004 йилда мамлакатимиз ҳаёти учун энг унутилмас воқеа бу Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлардир.

2005 йилда магистрлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, ҳуқуқ магистри даражасини олиш ва ўз мутахассислигим бўйича амалиётда қўллаш, яъни олган билимларимни ҳаётга тадбиқ этиб, халққа наф келтиришни ҳамда менга дунёда энг азиз бўлган инсонлар — ота-онамни ишончини оқлаш ниятидаман.

## ЙИЛЛАР ТУТАШГАН ПАЛЛАДАГИ ЎЙЛАР



**Ориф ТЎХТАШ,**
**"Ўзбекистон" телеканали масъул муҳаррири**

Йиллар туташаётган паллада ҳар бир инсон ўзини яна бир бор сарҳисоб қилиши тайин. "Нималарга эришдим?", "Нималарга улгуролмадим?", "Нималар эътиборимдан бутунлай четда қолиб кетди?", "Йиллик мақсадимга етолдимми?", "Бошлаган ишларим якунига етдими-йўқми?", "Қайси бир лаҳзаларим ўзим учун унутилмасликка лойиқ?" сингари саволларга мардонавор туриб жавоб бериш керак бўлади. Мабодо бу ўринда ўзингизда ожизлик сезиб қолсангиз, бас, ўша "хавфли" белгининг нуқси сизга кўчади-қўяди. У сингари бош эгиб қолишга тўғри келади. Аммо охирида "!" белгиси қўйилажак жавобларингиз тайёр бўлса, демак, сизнинг ҳам у каби қаддингиз расо.

2004 йил шахсан менинг ҳаётимга ажойиб яхшиликларни олиб кирган экан. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндим! Матбуотда, ёшлар баёзида шеърий туркумларим эълон қилинди! Ўғилли бўлдим! Йил бошида режалаштирганим — шеърларимни тўплаб, 2 та китобчага етгулик қилиб тайёрладим.

Аслини олганда, мустақиллик йилларининг ҳар бири мамлакатимиз ҳаётида муҳим босқич вазифасини ўтаб келмоқда. Йилдан йилга улкан янгиланишлар, ислоҳотлар самараси, бунёдкорлик ишлари ҳамда ривожланган давлатлар билан яқин ҳамкорликларнинг йўлга қўйилиши ва ҳоказо.

Якунланаётган йил давомида амалга оширилган кўпгина ишларни мамлакатимиз ҳаётидаги улкан Воқеа деб аташ мумкин: Юртбошимиз ташаббуси билан 2004 йилнинг **"Меҳр ва мурувват йили"** деб эълон қилингани ва бу борада бажарилган ишлар кўлами; ёш гроссмейстер Рустам Қосимжоновнинг ўзбек ўғлонлари нималарга қодир эканини намоён этувчи оламшумул ғалабаси; мамлакатимизнинг икки палатали парламент тизимига ўтиши; сиёсий партияларнинг фаоллашуви...

Кириб келаётган "Сиҳат-саломатлик йили"да улкан режаларим бор. Умидларим катта.

## ПОЛВОН БОЛА БЎЛСАМ ДЕЙМАН...

**Шоҳруҳ ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳридаги 145-мактабнинг 3"в" синф ўқувчиси**



Бир ёшга улғайдим, ҳаётимда биринчи марта ота-онамдан йироқда мустақил равишда лагерда дам олдим.

Шахсий ҳаётимда юз берган энг муҳим воқеа мактабда аъло баҳоларда ўқияпман.

Келажакда ота-онам хоҳлаганидек бола бўлишга ҳаракат қиламан. Ойимнинг фикрича, келажакда соғлом ва ақлли бола бўлишим шарт экан. Янги йилдан спортнинг каратэ, сузиш турларига қатнашмоқчиман. Чунки бўйим ўсишини, бақувват бола бўлишни истайман-да, полвон бола бўлсам дейман. Яна турли хил ўйинчоқларим кўп бўлишини истайман.

## ҚОНУН ТАКОМИЛИ — ФАРОВОН ҲАЁТ ОМИЛИ



**Нодирбек ИСКАНДАРОВ,**
**ТДЮИ 1-босқич магистранти**

Якун топиб бораётган йил, яъни 2004 йил мен учун жуда омадли кечди. Шахсий ҳаётимдаги энг қувончли воқеа — ТДЮИни имтиёзли диплом билан тамомлаб, ушбу олийгоҳнинг 1 курс магистранти бўлиш бахтига эришдим. Режалаштирган ишларимнинг деярли ҳаммаси амалга ошди.

Шу юртнинг фарзанди сифатида айтишим мумкинки, 2004 йил халқимиз учун ҳам файзли кечди. Йил давомида бир-биридан муҳим кўпдан-кўп воқеалар юз кўрсатганига гувоҳ бўлдик.

Менинг назаримда, қонун чиқарувчи ҳокимиятни шакллантириш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар 2004 йилнинг энг муҳим воқеалари бўлди. Шунингдек, ўтаётган йил инсонлар қонунларга эмас, қонунлар инсонларга хизмат қилишини таъминлаш борасида, қонунларнинг янада либераллаштириш йўлида амалга оширилаётган хайрли ишлар билан ёдимизда қолади.

## БУ ЙИЛДА АРМОНИМ ҚОЛМАДИ



**Бахтиёр ШОМУРОДОВ,**
**Тошкент юридик коллежи талабаси**

Мен 2004 йилни ўз ҳаёт йўлимни белгилаб олган йил сифатида ёдимдан чиқармасам керак. Чунки 9-синфни битириб, Тошкент юридик коллежига ўқишга кирган эдим. 2003 йилда Адлия вазирлигида амалиётни ўтадим. 2004 йилда эса Навоий вилоят прокуратурасида амалиётда бўлдим. Ҳуқуқшуносликдек шарафли ва машаққатли касбни танлаганимдан ғурурланаман. Бугун — ҳуқуқий демократик давлат қураётган она Ўзбекистонимиз учун биздек ёш, ғайратли ҳуқуқшунослар сув ва ҳаводек зарурлигини ҳис қилганим сари юрагимда ўқиш, изланиш, малакали ҳуқуқшунос бўлиб, адолат учун курашиш ўти гуриллаmоқда.

Назаримда, ўтган йил ўйлаган режаларимнинг ҳаммаси амалга ошди. Майда-чуйдаларни ҳисобга олмаганда, армоним қолмади ҳисоб.

Мамлакатимиз ва миллатимиз ҳаётидаги энг унутилмас воқеалардан бири сифатида, шубҳасиз, ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновнинг шахмат тожини кийгани бўлди, деб баралла айта оламан.

Шунингдек, мамлакат парламентига бўлиб ўтган сайловлар, парламентимизнинг бир палаталик тизимдан икки палаталикка ўтиши ҳам келажаги буюк мамлакатимиз тарихининг олтин саҳифаларига ёзилиши муқаррар.

Янги йилдаги энг катта орзуим Тошкент юридик коллежини аъло баҳоларга тугаллаб, Тошкент Давлат юридик институтининг талабаси бўлишдир. Зеро, ўқиш, изланиш ҳар бир ўзбекистонлик ёшнинг энг юксак орзусидир.

Faoliyat

# УЗУККА ҚЎЙИЛГАН КЎЗ

Халқимиз учун шукуҳли, қут-баракали кечган 2004 йил ҳам поёнига етиб бормоқда. Дастлабки сарҳисобларнинг ўзиёқ йил бароридан келганлигини кўрсатмоқда. Биргина фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш соҳасида Тошкент вилояти бўйича туғилганлик 3 мингтага, никоҳ эса қарийб 200 тага кўпайган. Ўтган йилнинг тўққиз ойига нисбатан ажралиш 46 тага, ўлим ҳолати 803 тага камайган.

Кўплаб замонавий "Бахт уй"лари фойдаланишга топширилди. Вилоятнинг Қуйи Чирчиқ туманида қурилган ФҲДЁ бўлими биноси узукка қўйилган кўздек шаҳар кўркини очиб юборди.

Вазирлар Маҳкамасининг **"Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни (жойларда) тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"** қароридаги белгиланган ниҳоятда муҳим масалаларни амалга ошириш учун ФҲДЁ бўлими қошида "Оила" маркази ва ҳуқуқий ахборот маркази фаолият юритмоқда. Унда ҳуқуқшунос, шифокор, маҳалла оқсоқоллари, фаоллар тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. "Оилада тиббий маданият", "Эркак ва аёлнинг оиладаги бурчи", "Соғлом авлод — келажак пойдевори" мавзуларидаги суҳбат ва кечалар узлуксиз ўтказилиб келинмоқда.

Тўғриси, илгари ФҲДЁ бўлимларига асосан икки ёшнинг никоҳи қайд этиладиган маскан деб қаралар эди. Бугун бу тушунча мутлақо ўзгарди. Айниқса, қишлоқ фуқаролик йиғинлари кенгашлари, фаоллари суянган тоғимиз. Биргаликда олиб бораётган ишларимиз ўз самарасини бераётгани қувонарлидир. Ана шундай ҳамфикрлилик туфайли эрта никоҳ ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларга барҳам берилмоқда.

Оила — жамиятимизнинг мўъжаз кўриниши. Демакки, ҳар бир оиланинг тинч, фаровон ва ободлиги жамиятимизнинг барқарорлигини англатади.

Бундан ташқари, оилаларда эртанги кун эгалари — фарзандларимиз камол топиб вояга етади. Шундай экан, оилаларнинг мустаҳкамлиги, тинч-тотувлиги учун ҳисса қўшиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Амона ХОЛИҚОВА,**
**Қуйичирчиқ тумани ФҲДЁ бўлими мудираси**

Mavzuga qaytib

# ЎЙИНДАН ЎТ ЧИҚМАСИН!

***Яна янги йил эшик қоқиб турибди. Кимдир арча кўтарган, кимдир бозорга шошган, яна кимдир ўзига яқин бўлган кишисини табриклаш учун совға танлаган. Айниқса, болажонларга мазза! Хуллас, кекса-ю ёш, барча юртдошларимизни байрам кайфияти чулғаган.***

***Ана шундай файзли кунларда кексаларимиз қўлларини очиб, "Илоё, келажаги буюк юртимизни байрамлардан айирмасин", дея дуо қилишади. Албатта, яхши кунда қилинган эзгу ниятлар мустажоб бўлажак.***

***Афсуски, шундай улуғ айём кунларда кишининг кўнглини хижил қилувчи айрим ҳодисалар юз бермоқдаки, газетамизнинг байрам сони бўлса-да, бу ҳақда ёзмасликнинг иложини топмадик.***

## БОЛА — БЕГУНОҲ ФАРИШТА!

Бу гапни бировдан эшитганмидим ёки бирор жойда ўқиганманми, ҳозир аниқ эслолмайман. Лекин ушбу сўзлар юрагимга муҳрланиб қолган.

Дарҳақиқат, бу ўткинчи дунёда болалардек бегуноҳ мавжудот бўлмаса керак. Улар ўз атрофларида юз бераётган барча воқеа-ҳодисаларга ҳайрат назари билан қарашади. Улар ҳаммага ва ҳамма нарсага ишонишади. Улар ҳамма нарса эзгуликдан иборат, деб ўйлашади.

Хўш, бугун биз болаларимизга байрам совғаси сифатида нималар олиб бераяпмиз? Албатта, арча, турли-туман ўйинчоқлар, бирбиридан мазали ширинликлар...

Яна нима?

Яна... қонун тили билан айтганда, пиротехника воситалари... Оддий қилиб айтганда, «пақилдоқ»лар.

Энди айтинг-чи, улар бугун эртаклардаги девлар билан олишган қаҳрамонларнинг эзгулик учун олиб борган курашларидан сабоқ олишсинми ёки биз катталар уларга "ўйинчоқ" сифатида таклиф этаётган "қўлбола ёвузлик"лардан?!

Тўғриси, бу саволга аниқ жавоб бериш қийин.

Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг, кўчада кетаётган кекса отахон ёки онахонни ўз пақилдоғи билан "юрагини ёриб қўлига берган" болакайнинг кўрсатган "қаҳрамон"ликларидан кейин эртага ундан нима кутишимиз мумкин?!

Энди масаланинг иккинчи жиҳатини олиб кўрайлик. Албатта, ҳаммамиз ҳам рўзғор, бола-чақа ташвишида ҳафтада бир марта бозор оралаймиз. Орамизда ҳеч бўлмаса, ҳафтада бир марта бозорга тушмайдиган одам топилмаса керак. Бозорга тушдингизми, турли хил савдоларнинг ҳам гувоҳи бўласиз. Жумладан, бозор расталарида гоҳ яширинча, гоҳ ошкора сотилаётган пиротехника воситаларини ҳам кўрмай қолмайсиз...

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: хўш, қонун йўли билан мамлакатимизга олиб кириш ҳам, сотиш ҳам қатъий таъқиқланган пиротехника воситалари — қўлбола "бомба"чалар бозорларимизга қай йўл билан кириб келаяпти? Расталарда қандай пайдо бўлаяпти-ю, нега бозор маъмурлари бу ордона қолгур «пақилдоқ»ларни кўришмаяпти? Мана шу ўринда кишининг кўнглида бир изоҳсиз иштибоҳ пайдо бўлади.

Ё пиротехника воситалари билан савдо қилувчи ноинсофлар адибимиз Худойберди Тўхтабоевнинг "Сариқ девни миниб" асари қаҳрамони Ҳошимжоннинг "кўринмас қалпоқча"сини ижарага олишган ёки...

***(Давоми тўртинчи бетда)***

(Давоми. Боши учинчи бетда)

# ЎЙИНДАН ЎТ ЧИҚМАСИН!

**“КЎЗИМНИ ТОПИБ БЕРИНГ, ДАДА!!!”**

Агар кузатиб борсангиз, ҳар йил янги йилга яқин телевизор экранларида пиротехника воситаларининг зарари, бу “қўлбола бомба”чалар туфайли жароҳат олган болалар ҳақида огоҳлантирувчи лавҳалар қайта-қайта намойиш этилади. Аввалги мақолаларимда ҳам ўзим гувоҳ бўлган бир ҳолатни қаламга олган эдим. Бундан уч-тўрт йил аввал қўшнимизнинг нораста ўғли айбдор бўлиб қолди. Айбдор деганим, дадаси “байрамда пақиллатасан”, деб олиб келган “совға”сини эплаб “портлатолмабди”. Етти-саккиз яшар боланинг қўлида “портлаган” “бомба”ча унинг кўзига тегиб кетибди...

Шундан буён орадан уч-тўрт йил ўтди. Қўшнимизнинг боласи аввалгидек шўхшодон эмас. Тенгдошларига қўшилиб ўйнамайди. Мактабга ҳам қора кўзойнак тақиб боради. Уни ҳар гал кўрганимда ўша куни “тез ёрдам” машинасида кета туриб, отасига қилган илтижолари қулоғим остида жаранглайверади:

— Дадажон, ҳеч нарсани кўрмаяпман! Илтимос, жон дада, кўзимни топиб беринг!!!

Қўшним ўша, боласи кўздан ажралиб қолган кундан буён ерга қараб юради. Сочларига ҳам эрта оқ тушди. Соппа-соғ, гулдай фарзандини бир умрга ногирон қилиб қўйгани учун ўзини ўзи кечиролмайди. Баъзан шундай хатолар бўладики, кейин минг афсус надомат чекма, барибир, ўрнига тушмайди...

Юқорида пиротехника воситаларини юртимизга олиб келиш, сотиш қонун йўли билан таъқиқлангани ҳақида гапирдик. Лекин барибир уни кимлардир олиб келаяпти ва кимлардир сотаяпти. Назаримда, олиб келган, уни бозорларда сотган, сотишга рухсат берганлар билан бир қаторда ушбу «қўлбола бомбача»ларни сотиб олган ота-оналарни ҳам жазолаш керак. Чунки агар қўшним боласига ўша “ўйинчоқ”ни олиб келмаганида, нораста гўдак бугун ногирон бўлиб, қора кўзойнак тақиб юрмасди. Демак, бу ўринда айбни ўзимиздан ҳам қидириб кўрсак, ёмон бўлмас экан...

**СЎНГСЎЗ ЎРНИДА**

Жонкуяр журналистларимиз такрор-такрор ота-оналарни огоҳликка чорлашади. Лекин барибир ҳар йили декабр ойининг бошларидан бошлаб, то январнинг охиригача шаҳар-у қишлоқ кўчаларида «пақилдоқ»лар овози ўчмайди. Айниқса, байрам яқинлашган кезларда кўпқаватли биноларнинг йўлагига киришга унча-бунча одамнинг юраги бетламайди.

Mavzuga qaytib

Мана, бу йил ҳам янги йилга саноқли кунлар қолди. Кўча-куйда пақилдоқларнинг овози эшитилмоқда. Биз харид қилаяпмиз. Айрим ноинсоф кимсалар бойишаяпти.

Хўш, буларнинг бари учун ким жавоб беради?!

Ахир, бировнинг бир дона товуғи ёки тухум ўғирлаган одам “ўғри” деган тавқилаънатни бўйнига олиб, қонун олдида жавоб беради-ку? Нега энди фарзандларимизнинг тарбиясини издан чиқараётган, уларни эзгулик эмас, шафқатсизлик руҳида тарбиялашга “ҳисса” қўшаётган, айрим ҳолларда юқорида айтиб ўтганимиздек, ногирон бўлиб қолишга сабаб бўлаётган нафс бандалари жазоланмаслиги керак?

Хўш, сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз, азиз газетхон!

**Ислом ҲАМРО,**
**журналист**

Jinoyat olamida

# “ОРЕХОВ” ГУРУҲИ ИШИ...

## давом этмоқда, — деб ёзади «Аргументы и факты» газетаси

***“Орехов” жиноий гуруҳи ёвуз қилмишлари билан кўпчиликнинг юрагига қўрқув солган тўдалардан бири ҳисобланади. Агар тергов-суриштирув маълумотларига таяниб сўз юритадиган бўлсак, ҳозиргача ушбу жиноий гуруҳ аъзолари томонидан амалга оширилган қотилликлар натижасида эллик нафарга яқин инсон ҳаётдан кўз юмган. Улар орасида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, адвокатлар, тадбиркор ва ишбилармонлар бор. Гуруҳ ноқонуний қурол-яроғ, гиёҳвандлик воситалари, фоҳишабозлик, нефт ва газ савдоси билан шуғулланиб келганлиги ҳақида ҳам етарлича маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, жиноий гуруҳ аъзолари банклардаги — (бундай товламачиликлар нафақат Россия, балки Европанинг турли банкларида ҳам амалга оширилган) катта-кичик товламачиликлари билан ҳам “тилга тушган”...***

**ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР**

Одатда, катта-кичик жиноий гуруҳ етакчилари ўзларини эртаклардаги “Қўлга тушмас қасоскорлар”дек ҳис қилишади. Улар “агар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари шохида юришса, биз баргида юрамиз”, деб керилиб ҳам қўйишади. Лекин ҳар қанча уринишмасин, барибир, бир кун келиб қилган жиноятлари учун жазо олиши тайин. Жумладан, “Орехов” гуруҳи аъзолари ҳам ўзларини жиноят оламида сувдаги балиқдек эркин ҳис қилишар, “бизни олдимизни кесиб ўтадиган кимса йўқ”, деб ўйлашарди. Таъбир жоиз бўлса, юқорига кўтарилган ой бир куни пастга тушиши муқаррар бўлгани каби бу гуруҳ аъзолари ҳам бугун кетма-кет одил суднинг қора курсисига ўтиришмоқда.

Ўтган йили Москва шаҳар суди ушбу гуруҳга алоқадор ўн нафар жиноятчини панжара ортига жўнатди. Янги йилда яна гуруҳнинг ўн бир нафар аъзоси устидан суд жараёни бошланади. Ушбу «ўн бирлик»нинг бўйнида ўн саккизта қотиллик, одам ўғирлаш, босқинчилик ва талончилик каби бир қатор исботланган қабиҳ жиноятлар турибди. Шунингдек, Москва шаҳар прокуратураси қошидаги уюшган жиноятчилик ва қотилликка қарши курашиш бошқармаси тўданинг яна бир гуруҳ аъзолари устидан етарлича маълумотлар тўплаган. Лекин “Орехов”чилар устидан бошланган суд жараёни бу билан ҳам тугамайди. Чунки ҳали-ҳозирча гуруҳ етакчиси Сергей Буторин москвалик ҳуқуқ ҳимоячилари учун «қўл етмас» бўлиб турибди...

**УНИНГ ҚУРОЛИ — ШАФҚАТСИЗЛИК**

Шуни айтиш керакки, Сергей Буторин жиноятчилар оламида «Ося» лақаби билан танилган. Осяни яқиндан билганлар шундай ҳикоя қилишади:

— У жуда оғир-босиқ, ҳеч қачон шоншуҳратга интилмайди. Лекин ҳокимият ва пул учун тиззагача қон кечишга тайёр кимса. Осяга қадар “Орехов” гуруҳининг “чўқинтирган отаси” ҳисобланган Сергей Тимофеев — у жиноятчилик оламида «Сильвестр» лақаби билан машҳур бўлган — унинг “ишчанлигини” “Ося 200 доллар учун ўз туққан онасини ҳам тириклай асфальт остига бостириб юборишга қодир”, деб баҳолаганди.

Собиқ ҳарбий қурилиш батальони прапоршиги Сергей Буторинннинг жиноят оламига кириб келиши ҳам катта шов-шувга сабаб бўлган. Биринчи марта у москвалик машҳур коллекциячининг 8 миллион АҚШ долларга баҳоланган экспонатларини ўғирлаш жараёнида назарга тушади. Энг қизиғи шундаки, коллекциячининг қўлида тўпланган осори-атиқаларни ўғирлашга “буюртма” берган Ян Фелдманни ҳам “тинчитиб” кетишган. Аниқроқ айтганда, кейинчалик ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари “буюртмачи”ни Бельгиядаги меҳмонхоналарининг бирида осиб ўлдирилган ҳолда топишди. Тўғри, москвалик коллекциячининг осори-атиқаларини ўғирлашда иштирок этган барча қароқчилар қўлга олинди. Бироқ бу ўғирликка бевосита бошчилик қилган Ося ҳамда ўғирланган қимматбаҳо буюмлар изсиз ғойиб бўлди...

Шундай қилиб, саккиз миллион долларга баҳоланган осори-атиқалар Сергей Буторин — Осянинг “шахсий мулки”-га айланиб қолди. Энди уларни сотиш ва нақд пулга айлантириш керак эди. Айнан ана шу олди-сотди жараёнида Ося Сергей Тимофеев — Сильвестр билан танишиб қолади. Бу пайтда Сильвестр жиноятчилар оламида катта обрўга эга бўлиб, “Орехов” гуруҳи унинг қўл остида бирлашган эди. Шунинг учун ҳам Ося ўзини унинг соясида эркинроқ ҳис қила бошлади. Орадан маълум вақт ўтиб, у Сильвестрнинг ўнг қўлига айланди.

1994 йилда Москванинг қоқ марказида узоқдан бошқарилувчи портлатгич ўрнатилган “Мерседес” машинаси портлаб кетди. Унда Сильвестр кетаётганди. Ҳуқуқ ҳимоячилари нечоғлик ҳаракат қилишмасин, ҳозиргача на ушбу портлашнинг “буюртмачи”си, на “бажарувчи”-си топилгани йўқ. Лекин Сильвестрнинг орқасидан “Орехов” гуруҳи етакчисининг энг яқин ҳамтавоқлари ҳам бирин-кетин нариги дунёга равона бўла бошлашди. Орадан бир йил ўтиб “орехов”чиларнинг барчаси Ося — Сергей Буторинннинг қўл остида “бирлашди”...

“Ҳокимият”ни қўлга олган Осяга жуда катта маблағ керак эди. “Орехов” гуруҳи Осягача нафақат ноқонуний бизнес, балки Россия пойтахтидаги иккита катта бозор, бир қатор банк ва агентликларни назорат қилар, аниқроғи, улардан мўмайгина “чўтал” олиб турарди. Сильвестр Кипр оролларида жуда катта фирмалар ташкил қилган бўлиб, жиноий гуруҳга бу ҳам фойда келтирарди. Гуруҳнинг Кипр оролларидаги ишларини молиячи Григорий Ларнер олиб борар ва Россиядаги ҳамкорларининг “ҳақ”ларини ўз вақтида етказиб турарди. Сильвестрнинг сирли ўлимидан сўнг Ося шахсан Ларнер билан учрашишга қарор қилади. Бу учрашув Ларнернинг гаровга олиниши ва ниҳоят, Сергей Буторинни тан олиниши билан якун топади. Бундан ташқари Ося сохта ном ва фирибгарлик йўли билан Исроилдан ҳам жиноий гуруҳга тегишли бўлган йигирма миллион долларини олиб чиқиб кетишга муваффақ бўлади.

**ҲУКМ ОЛДИНРОҚ ЎҚИЛГАН ЭДИ**

“Орехов” гуруҳи аъзолари ўзлари учун ҳукмни олдинроқ чиқариб қўйган эди, деб ҳисоблайди россиялик ҳуқуқ ҳимоячилари. Чунки ушбу жиноий гуруҳнинг қўлида Оденцов ҳарбий прокуратурасининг катта терговчиси Юрий Керез қурбон бўлди. Юрий ушбу жиноий гуруҳ томонидан содир этилган бир қатор қотиллик жиноятлари бўйича тергов ҳаракатлари олиб бораётган эди. Аввалига гуруҳ аъзолари Юрийга ушбу жиноий ишни тўхтатиш эвазига бир миллион доллар пора ваъда қилишади. Адолатга хиёнат қилишни истамаган терговчи воситачиларни ўз хонасидан ҳайдаб чиқаради. Орадан тўрт кун ўтиб эса Юрий Керезни Саша-Солдат лақабли Пуставалов отиб ўлдиради.

Ана шу мудҳиш ҳодисадан кейингина изқуварлар “Орехов” гуруҳи аъзолари ортидан тушишади. Энг қизиғи, “Орехов” гуруҳи ва улар амалга ошираётган қотилликларнинг барчасини бошқариб турган Ося — Сергей Буторинннинг номи бирор жойда қайд этилмасди. Бундай бўлишига сабаб, Ося ҳамиша кўздан панада юрар, унинг атрофида эса доимий қўриқчилари — махсус хизмат бўлинмасининг собиқ жангарилари бўларди. Гуруҳ аъзолари билан мулоқот ҳам “занжир” тизимида амалга ошириларди. Шунинг учун ҳам жиноий гуруҳнинг қуйи буғинларида фаолият кўрсатаётган аъзолари “юқори” гуруҳ вакиллари кимлар эканини умуман билишмасди.

Янги йилда Москва шаҳар суди томонидан кўриладиган жиноят ишида ёлланма қотиллик билан “танилган” Солоник ва унинг дугонаси Светлана Котованинг Афинадаги виллада ўлдирилиши ҳолати ҳам бор. Ёлланма қотил Солоник ҳуқуқ ҳимоячилари қўлига тушиб қолган эди. Унинг “Матросская тишина” турмасидан “қочиш”ини ҳам “орехов”чилар уюштирган эдилар. У Афинага ҳам шахсан Осянинг буйруғи билан жўнатилганди. Солоник учун Афинада сотиб олинган villанинг ҳар бир хонаси овоз ёзиб олиш мосламалари билан таъминланганди. Ана шу эшитиш мосламалари орқалигина Ося Солоник уни ўлдиришга тайёргарлик кўраётганини билиб қолади ва ундан олдинроқ отини қамчилайди. Осянинг топшириғи билан Саша-Солдат Афинага ўз ҳамтавоқлари билан етиб келади. Улар аввалига ўз “ҳамкасб”ларини буғиб ўлдиришади ва сўнгра жиноятларига гувоҳ бўлиб қолган Светлана Котовани ҳам у дунёга “кузатиб” қўйишади.

Ося яшириниш учун энг тинч жой сифатида Испанияни танлаган эди. У ўзи ва яқинлари учун Испаниянинг дунёга машҳур оромгоҳларидан бири ҳисобланган Марбельясидан олти миллион долларга учта вилла харид қилади. Ося ўша ерда ҳам тинч яшагани йўқ. У маҳаллий гуруҳлар билан жуда тез тил топишди ва ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйди. Натижада шаҳар яқинидаги Пуэрто-Банус оромгоҳи дам олувчиларини гиёҳвандлик воситалари билан таъминлай бошлади.

**ОСЯ — «КЎРИНМАС ОДАМ» ҚЎЛГА ТУШДИ**

Юзлаб жиноятларни содир этиб қўлга тушмаган Осяни атрофидагилар “кўринмас одам» деб аташарди. Уни бундай деб аташларига сабаб — Ося расман 1995 йилда Москва қабристонларидан бирига дафн этилган эди. Бу ҳақда Москва ҳуқуқ-тартибот идораларида ҳам маълумотлар сақланган. Буни қарангки, Сергей Буторин — Ося ҳамон соппа-соғ ва ўз жиноий қилмишларини давом эттириб келаётган экан. У испан ҳуқуқ ҳимоячилари томонидан бундан уч йил аввал тан соқчиси Марат Полянскый билан биргаликда Барселона шаҳри яқинидаги ўз уйида қўлга олинди. Тинтув чоғида унинг уйидан турли қурол-яроғ воситалари топилдики, албатта, бу қуролларнинг ҳаммаси бир киши ўзини ўзи ҳимоя қилиши учун ортиқчалик қиларди. Ўз уйида ноқонуний қурол-яроғ асрагани учун Сергей Буторинга испан суди томонидан саккиз йил қамоқ жазоси берилди. Энди у 2009 йилгача Испания қамоқхоналаридан бирида ўтиради.

Унинг испан қамоқхонасидан озод бўлишини нафақат яқинлари, балки россиялик ҳуқуқ ҳимоячилари ҳам “интизор”-лик билан кутишмоқда, дейиш мумкин. Чунки жазо муддати тугагач, Сергей Буторин ва Марат Полянский Россияга жўнатилади.

Яқинда Осянинг “яқин”ларидан бири Олег Пылев Одессада қўлга олинди. Унинг “бўйни”да ҳам бир қанча қотилликлар бўлиб, у ҳам янги йилда одил суднинг қора курсисига ўтиради. Айни кунларда Сергей Буторинннинг укаси Андрей Буторинни Испаниядан чиқариб юбориш масаласи кўриб чиқилаётир...

“Орехов” жиноий гуруҳи “иши” билан таниш бўлган изқуварларнинг гап-сўзларига қараганда, ҳали “орехов иши” узоқ давом этиши мумкин. Чунки қўлга тушган ҳар бир жиноятчи, гувоҳ ва тергов жараёнида келтирилаётган далиллар шунчалик кўпки, уларнинг ҳар бирини кўриб чиқиш узоқ вақт талаб қилади...

**“Аргументы и факты” газетасидан**
**И. ҲАМРОЕВ таржимаси.**



*Қор чулғаган далалар*

***Умр чархпалаги шунчалар тез айланмоқдаки, кечагина кириб келган янги йил бугун бизни тарк этиш арафасида. Ҳар гал эски йилни кузатиб янги йилни кутиб олаётган чоғимизда умримиз саҳифаларига яна бир саҳифа қўшилганини англаб, юрак бир орзиқади. Эзгу ниятлар, янги режалар туғиладиган янги йилда одамлар яна бир ёшга улғаядилар. Қайси мамлакат халқлари биринчи бўлиб янги йилни кутиб олишларини биласизми? Чукоткаликлар ҳаммадан аввал янги йилни қарши олишар экан. Бунинг устига янги йил байрамини турли мамлакатлар турли вақтларда асрлар давомида удум бўлиб келган одатлар билан нишонлайдилар. Турли халқ ва элатларнинг янги йилни қандай кутиб олишлари барча учун қизиқарли бўлса керак, албатта. Чунки уларда ўзгаларникига ўхшамайдиган, ўзига хос бўлган анъаналар бўлади. Қуйида айрим мамлакатларда янги йилнинг кутиб олиниши ҳақида маълумотлар бериб ўтамиз:***

# ЎЧОҚНИНГ ҚЎРИ ЎЧМАСИН...

**АВСТРИЯДА** янги йил кутиладиган куни одамлар кўчаларга чиқади ва мўри тозаловчини топиб, унинг кийимидаги қурумни ўзларига юқтириб олади. Бу йил бўйи қозонимиз қайнаб, ўчоғимиз қурум бўлиб турсин, деган маънони англатар экан.

**БРАЗИЛИЯЛИКЛАР** кўчалардаги симёғочларга қўнғироқча ва гуллар осиб қўядилар. Рио-де-Жанейро аҳолиси океан қирғоғига сайлга чиқишади. Тунда қирғоқдаги қумга шамлар ёқиб, сувга гул ташлашади.



**БИРМАДА** янги йил иссиқ кунларга тўғри келади. Кишилар хоҳ таниш — хоҳ нотаниш бўлсин, кўчадан ўтиб кетаётган одамнинг устидан челаклаб сув қуйишади. Таомил шунақа бўлгани учун бундан ҳеч ким ранжимайди.

**ИНГЛИЗЛАР** янги йилни тантана билан кутиб олишмайди. Бир-бирларини меҳмонга ҳам таклиф қилишмайди. Лекин истаган киши хоҳлаган хонадонга кириб меҳмон бўлиши мумкин. Мезбон меҳмонни хушмуомалалик билан кутиб олади. Шуниси қизиқки, ўша куни меҳмоннинг қўлида кичкина бўлса ҳам, албатта, кўмир бўлиши керак. Уни ўчоққа ташлайди. Бу ушбу хонадонда ҳеч вақт оила қўри ўчмасин, деган яхши тилак ифодасидир.

**РУМИНЛАР** янги йилни 1 январда байрам қиладилар. Янги йил дастурхонига махсус тайёрланган варақилар тортилади. Одатга кўра, улар ичига танга, узук, чиннидан ишланган митти қўғирчоқ ва қалампирга ўхшаш нарсалар солиб пиширилади. Меҳмонлар варақини еб, ўз “бахт” ва “истиқбол”ларини синайдилар. Варақидан кимга нима чиқса, бу унинг бахтидан дарак беради. Мабодо меҳмон қизга узук чиқса, бу унинг шу йилда турмушга чиқишидан, аёлга қўғирчоқ чиқиши унинг фарзанд кўришидан далолат беради, танга чиққан кишига эса бахт ҳамроҳ бўлади, деб нақл қилишади. Варақидан қалампир чиқиши шу одам учун келаётган йил бироз машаққатли кечишини англатар экан.



**СУДАН** аҳолиси янги йил кечасида бахт рамзи сифатида бир-бирларига кўк ёнғоқ улашадилар. Ҳар бир кунимиз тўкин-сочин бўлсин, деган ниятда кўчаларга ҳам ёнғоқ сочишади.

**ФИНЛЯНДИЯДА** янги йил кечаси қизлар ковушини елкаси узра орқасига отишади. Агар ковуш эшикка тумшуғи билан тегса, демак, қиз турмушга чиқишга рози. Ҳар бир мезбон шу куни уйига ташриф буюрадиган меҳмонга олдиндан совға тайёрлаб қўяди, лекин у совға нима эканини ҳеч ким билмайди. Чунки совға устига бирор нарса ёпиб қўйилган бўлади.

**ҲИНДИСТОНДА** янги йил куни аҳоли маҳалла ва кўчаларни гул билан тўлдиришади. Ривоятларда айтилишича, шу куни энг адолатли подшо Махабали келиб, аҳолига ризқ-рўз улашармиш.

**ШОТЛАНДИЯЛИКЛАР** янги йил кечаси эшикка тикилиб туришади. Шу

Charxi kajraftor

куни, албатта, қора сочли киши келиб, “Шу хонадоннинг қозони ҳамиша қайнаб турсин”, деб бир парча кўмир ташлаб кетади. Бу шотландияликлар учун энг яхши совға ҳисобланади.

**ЭФИОПИЯДА** янги йил сентябр ойининг ўртасида ҳосил байрами билан бир вақтда нишонланади. Байрам куни ҳар бир киши ўзи билан бир боғ қуруқ шох олиб қишлоқларга чиқади. Ўша куни катта гулхан ёқилиб, унинг атрофида ўйин-кулгу, тантаналар бўлади. Ҳар бир киши янги йилни хурсандчилик билан қарши олишга интилади.



**ҒАРБИЙ СЛОВАКИЯДА** янги йил дастурхонининг кўрки зоғора балиқ бўлади. Шу куни бозорда балиқ савдоси роса қизийди.

**ЯПОНЛАР** узоқ умр кўрайлик, бир-биримизга садоқатли бўлайлик, деб хонадон дарвозаларига қамиш, қарағай новдасини осиб қўядилар. Идишларга булоқ суви тўлдириб, Фудан тоғига чиқиб тонгни кутишади. Японларнинг эътиқодича, эрта туриб қуёшни қарши олган кишига йил бўйи омад ҳамроҳ бўлармиш.



**Зулхумор АҲМЕДОВА тайёрлади.**

# БЕВАҚТ УЗИЛГАН ЯПРОҚ

СУД ОЧЕРКИ

***Салимнинг бу ёруғ дунёда ўтказган бор-йўғи ўн йилгина умрининг ҳам фақат азоб-уқубатлар билан ўтганни ачинарлидир. Уззу-кун касалликдан чиқмаган яримжон гўдакнинг тили аввалига дудуқланиб чиқди. Тўрт ёшга етар-етмас ўгай она қўлида қолди. Мактаб ёшига етганида бир бедаво дардга чалиниб, тенгқурларидан ҳам ажраб қолди.***

Ўша куни Салим мактабдан қайтишда зовур ёқасида қишлаб қолган оқ лайлакларни бориб кўрмоқчи бўлди. Оқ лайлаклар орқали яратгандан ўзига соғлиқ, ота-онасига инсоф тиламоқчи эди.

Афсуски, бу нияти ҳам...

Қўрқа-писа уйга кириб олган Салим ўгай онаси Моҳигулнинг кўзига кўринмай дастурхондан бўлак-сўлак икки бурда нонни қўлтиққа уриб, оғилхонадан эски варрагини топиб ўйингоҳ томон кетди. Шу куни варрак ўлгур ҳам ҳадеганда ҳавога кўтарилмади.

Ахир, бола чополмаса, варрак қаердан ҳам учсин?

Ҳориб-чарчаб уйга қайтганида фалокат домига тушганини ўзи ҳам сезмай қолди. Ҳовлидан ўғриб олинган буғдой бошоғини янчиб олиш учун трактор қидириб қуруқ қайтган ота боғланган сигир-бузоқ емишсиз қолганидан тутақиб, хотинини аёвсиз калтаклаётган эди. Айни шу пайтда ҳовлига Салим кириб қолганди. Ота хотинини қўйиб, болага ўдағайлаб кетди:

— Сен шўртумшуқ қаерда эдинг! Ҳе сениям, итвачча!

Жон борича қочиб қолган Салим бу кеча тунни бир хилватда ўтказмоқчи бўлиб, боши оққан томонга кетиб борарди. Қанийди, ўша кеч ота-онаси уни тополмаса? Оқ лайлаклар томонга кетса, қанийди... Йўқ, шум тақдир уни излаб топди. Алдаб-авраб уни Чироқчи тумани марказига олиб кетди. Энди улар отаси зулмидан йироққа, хилват уйда яшамоқчи. Гоҳ пиёда, гоҳ машинада 15-20 чақирим йўл босишди. Моҳигул хилват жой қидираётганидан бола бехабар. Унинг нияти бегуноҳ боланинг жонига қасд қилиб, баттол эридан ўч олиш эди. Уддасидан чиқармикан? Чиқади. Фақат кимсасиз, хилват жой топса, бўлди...

— Салимжон, сен билмайсан, шу атрофда менинг отамдан қолган эски уй бор. Шу жойда тинчгина яшаймиз. Отанг ўлгурнинг калтаклари суяк-суягимдан ўтиб кетди. Мана, қарагин, кўкармаган жойим қолмаган. Сен энди мен билан яшайсан!

— Раҳмат онажон, сизни яхши кўраман.

— Мен ҳам...

— Онажон, чарчаб қолаяпман, қорним оч.

— Оз қолди, ҳадемай етамиз, кейин қорнингни ҳам тўйдираман.

Улар Чироқчи-Қарши йўли томонга ўтиб, канал ёқалаб юришди. Ниҳоят, деворлари нураб қолган ташландиқ ҳовлига киришди.

— Онажон, эски уйларингиз кўринмайди-ку?

— Озгина адашдик, шу атрофда эди.

— Онажон қўрқаяпман, эски чордевор ичида ажина бўлади, дейишади.

— Қўрқма ўғлим, ажинани мен ўзим мана бундай қилиб бўғиб ташлайман.

Моҳигул Салимнинг қилтириқ бўйнини маҳкам бўға бошлади. Болакай дод солишга ҳам улгура олмади. Ёвуз алвастининг қўли эса Салимнинг томоқларидан ўн дақиқа, балки ундан кўпроқ вақт ажралмади. Қўйиб юборганда эса шўрлик болакайнинг чивиндек жони оқ лайлакларни қидириб самода парвоз қиларди... Моҳигул ўша оқшом Чироқчи кўчаларида тентираб юрди. Чунки унинг бу атрофда борадиган жойи йўқ эди. Негадир тонгга яқин оёқлари уни болакай ўлдирилган ташландиқ макон сари етаклади. Чуқур ўрага яқинлашганда эса ўрадан иккита каттакон ит чиқиб унга ташланди. Ўтакаси ёрилган аёл бу макондан ҳам қочишга мажбур бўлди. Тонг ёришгач, Чироқчи туман ИИБ-га келиб, эри урганини баён қилди. Кун бўйи тентирай-тентирай юриб кечқурун уйига кириб борди. Эри уни уйига киритмади. Ялиниб-ёлвориб эрини кўнглини юмшатгач, Моҳигул унга қўшилиб Салимни қидира бошлади.

Туман прокуратураси бу

Jinoyat va jazo

ишга киришганида Салим отли боладан бир ҳовуч суяк ва кийим йиртиқлари қолганди. Моҳигул қора қилмишини бўйнига олди. Дарвоқе, Моҳигул ҳақида бир оғиз сўз: у икки йил бурун ўғирлик жинояти содир қилгани учун Шаҳрисабз тумани жиноят ишлари бўйича судининг ҳукмига кўра, 2 йил ахлоқ тузатиш ишига жалб этилган. Орадан бир йил ўтар-ўтмас эса катта миқдордаги жаримага тортилганди. Чироқчи туманидаги Додиқ қишлоғида А.Аҳмедов билан никоҳдан ўтмаган ҳолда 6 йилдан буён яшаб келарди. Эрининг қийноғига қарши ўч оламан деб бегуноҳ боланинг қотилига айланган Моҳигул қилмишига яраша жазосини топди. Лекин хотинини эплаб йўлга сололмаган эркакни қандай тушуниш мумкин? Бегуноҳ фарзанднинг безовта руҳи уларни тинч қўярмикан? Бир болага етти маҳалла ота-она дейдиган бўлсак, эл-элат, маҳалла-куй, қавму-қариндошлар ҳам шундай нохуш ҳолат юз бергунча қаерга қарашган эди, деган жавобсиз савол юракка оғир юк солади.

**Парда ЭШМАТОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Ғози РАҲМОН,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-117. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
2 3 4 5 6